O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ ОРГАНЛАРИНИНГ ЎЗИ ҚОНУНЛАРГА СЎЗСИЗ РИОЯ ҚИЛИШИНИ ТАЪМИНЛАШИМИЗ ЛОЗИМ.

Ислом КАРИМОВ

Қонун - ҳам қилич, ҳам қалқондир!

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ–ОММАБОП ҲАФТАЛИК ГАЗЕТАСИ

1996 йил 30 январдан чиқа бошлаган | 2000 ЙИЛ 29 ФЕВРАЛ, СЕШАНБА | № 9 (161) | Сотувда эркин нархда

БАҲОР ЭШИК ҚОҚМОҚДА...

Қишнинг сўнгги куни... Қалбларга илиқлик бахш этиб баҳор келмоқда. Юртимиз тинч, ҳаётимиз осойишта. Бундай тинчлигу осойишталикни мангу барқарор айламоққа ҳисса қўшмоқ ҳар бир ҳуқуқ-тартибот ходимининг эзгу ният-ити. Шу ният йўлида хизмат қилаётганлардан бири Тошкент шаҳар ИИББ қабул қилиш ва тақсимлаш муассасаси суриштирувчиси, милиция катта лейтенанти Гулсара Балиқуловадир. У касбий маҳоратини ошира бориб, яхши натижаларга эришаётир.

Тошкент шаҳар, Чилонзор туман ИИБга қарашли пост-патруль хизмати милиционери, милиция катта сержанти Шуҳрат Раҳимов ҳам ўз касбининг сир-асрорларини пухта ўзлаштириб келаётган ходимлардан.

- Инсон гўзалликка интилиб яшар экан, унинг қалбини эзгулик бир нафас бўлса-да, тарк этмайди, - дейди улар, - мақсадимиз ана шу гўзалликка ошуфта халқимиз осоишталигини кўз қорачиғидек асрашдир.

ИНСОНИЯТ ОДДИЙ ТУРМУШ ЖАРАЁНЛАРИНИ НАҚАДАР МУАММОЛИ БЎЛСА-ДА, ТАШВИШ ВА ҚУВОНЧЛИ КУНЛАРИДА ВАҚТ ЎТГАН САЙИН УНУТИШ МУМКИН. АММО ҚАТТА, ОЛАМШУМУЛ ЁШЛАРНИ, ИНСОНИЯТ ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДА ХИЗМАТ ҚИЛГАН ЭЗГУ НИЯТЛИ ҚАДАМЛАРНИ АСРЛАР ЎТАДИКИ, АСЛО УНУТМАЙДИ. ЭСЛАБ ЮРАДИ. ТАРИХ САҲИФАСИГА БИТАДИ, АВЛОДЛАРИГА ЕТКАЗАДИ.

Ҳудди шунингдек, хиёнатни, одамлар қалбини жунбушга келтирган ҳодисаларни, баттол қилмишларни ҳам унутмайди, лаънатлаб тарих саҳифаларида қолдиради, авлодларини огоҳ этади.

Мана, мудҳиш 16 февраль воқеалари юз берганига ҳам бир йилдан ошди. Бутун жаҳон афкор оммаси эътироф этди. Тўғри, барчамиз гувоҳмизки, гумроҳ кимсаларнинг бир қисми қилмишларига яраша қонун олдида жазоларини олдилар. Уларнинг қолган қисмидан бир гуруҳи кейинроқ Қирғизистонда, Янгиободда амалга оширган хунрезликлари, террорчилик ҳаракатлари бу мунофиқ кимсаларнинг мақсади нақадар тубан эканлигини яна бир бор намоён этди.

Маълумки, ислом дини ҳамиша одамларни яхшиликка, эзгуликка чорлаган. Оллоҳ бизнинг қалбимизда, дилимизда. У жамиятни маънан юксалтиришга, поклашга хизмат қилмоқда. Бироқ дин номи билан ғаламислик қилиш, осуда турмушни бузишга уриниш тавқи-лаънатга дучор бўлиб келган. Шундай бўлиб қолади. Динимизга, эътиқодимизга ёт оқимларнинг пайини қирқиш, ақидапарастларни жиловлаш динимиз софлигини, она-Ватан осойишталигини сақлаш демакдир.

Йўлбошчимиз: «Халқларимизнинг табиатига мутлақо ёт бўлган сиёсий, диний экстремизм, ақидапарастлик ва бошқа ёвуз оқимларнинг минтақамизга кириб келиши ва тарқалиши тинчлик ва осойишталикка, фарзандларимизнинг келажагига катта хавф туғдиришини одамлар онгига чуқур сингдириб бориш керак», деганида минг бора ҳақ эди.

Бугунги кунда бузғунчилик ва нопокликни касб қилиб олган ваҳҳобийлик, акромийлик, Хамас, «Ихвонул-муслимий», «Ислом уйғониши» каби фирқа-ю, ҳаракатлар эътиқодимизга, тинч турмушимизга таҳдид солиб турибди. Жаҳонда жумладан, ислом оламида «Ҳизбут-таҳрир»нинг ҳуфёна бузғунчилик ҳаракатлари қораланганди. Уларнинг дунёда ягона халифалик давлатини тиклаш ҳақидаги ҳайқириқлари одамларнинг энсасини қотиришда. Бу йўлда уларнинг кишиларни «жиҳод»га - инсон қонини тўкишга, талон-тарожга, миллий адоватга даъватлари, ўз ифлос ниятларини рўёбга чиқариш мақсадида ҳар қандай пасткашлик, қотиллик, ўғирлик, қароқчилик, туҳмату бўҳтонлардан қайтмаётганликларини кўриб турибмиз.

Афсуски, иймони суст, эътиқоди бўш айрим юртдошларимиз тушуниб-тушунмай ана шундай ғайри ташкилотлар, фирқа ва ҳаракатлар таъсирига тушиб қолмоқда. Бундайлар орасида кўпроқ ёшлар учраётгани таассуф уйғотмоқда.

Тан олиш керак, феврал воқеалари маълум маънода кўзимизни очди. Ҳушёрликка чорлади. Бунга кенг кўламли ишларимиз натижаси далил. Бизнинг Қибрай туманимизда «Ҳизбут-таҳрир», ваҳҳобийлик каби зарарли оқимлар таъсирига тушиб қолган бир қанча шахслар аниқланди. Хусусан, «Ҳизбут-таҳрир»га мансуб 17 нафар шахс ушланди. Уларнинг аксарияти аҳоли ўртасида ҳақиқатдан йироқ, телба-тескари тарғибот-ташвиқот билан шуғулланишган. Конституциявий тузумимизни ағдаришга, жиҳодга даъват этувчи диний адабиётлар, варақалар тарқатишган. Баъзилари турли қурол-яроғлар, ўқ-дорилар жамлашга киришган. Дилшод Бойматов, Абдуваҳоб Валиев деган кимсаларнинг уйидан ўқдори топилган. Шуҳрат Бурҳонов деган «динпарвар»нинг хонадонидан қорадори ва тўппонча, Миркомил Соатовнинг уйидан даъват варақалари топилган. Шуҳрат Эргашев деган кимса ҳатто граната, ўқдорилар жамлаб қўйганлардан бўлиб чиқди.



Сиртдан художўй, тақводор бўлиб кўринган, одамлар наздида мўмин ва намозхон бўлиб тусланган бу кимсалар ўз қилмишларининг нақадар офатли эканлигини англашмаган дейсизми?

Шавкат Рўзиев, Ғайрат Холмуҳаммедов, Ботир Амиржонов, Рустам Эрматов деганлар портловчи қуролларни эрмак учун йиғишмаганликларини изоҳлаб ўтиришга ҳам ҳожат йўқ. Шу боисдан ҳам бу шахслар қонуний жазодан қочиб қутулолмадилар. Ҳар қанча уринишлари сохта бўлиб чиқди. Ахир, граната билан «экинни чумчуқдан қўриқламоқчи эдим» қабилидаги важлар нима ҳам беради? Бу қурол ўта хавфли, портлаганда одамларга ўлим, тераракка вайрона келтиришини гўдак ҳам билади, ахир. Йўқ, бу қуроллар пинҳона равишда ўз ватандошлари бошига отмоқ, улоқтирмоқ учун ғамланган эди.

Даврон Қобилов, Ҳусан Ғиёсов, Жавлон Холматов, Қосим Ибрагимов деган нусхалар диний-экстремистик руҳдаги варақаларни тарқатиш билан бирга, кишиларни жиҳодга даъват этувчи тарғиботчилик билан ҳам шуғулланишган. Эй, ноинсоф, чаламулла кишилар, сенинг заҳарланган ташвиқотингга зор эмаслигимизни билмасмидинг? Қонун ўз тиғини кўрсатгандан сўнг зор қақшаб «лўличилик»ка ўтганингни кўрдик-ку!

Туман прокуратураси бошқа ҳуқуқ-тартибот идоралари ва кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда диний-экстремизм ва ақидапарастликка қарши қатъий кураш олиб бормоқда. Асосий қуролимиз эса - маърифат. Ўтган давр ичида йўлидан адашиб, шундай оқимлар таъсирига берилиб қолганлардан 77 нафарини аниқладик. Уларнинг аксарияти ўзлари тавба-тазарру қилиб келишди. Баъзиларини ота-онаси, жамоатчилик етаклаб келди. Улар билан алоҳида иш олиб бордик. Маҳаллаларда хулқини муҳокама қилдик. Нопок йўлнинг қалтислигидан огоҳ этдик. Кўпчилиги тўғри йўлини топиб олганлигига гувоҳмиз.

Хуллас, тақдир яратган Оллоҳ бизга, азиз ва муқаддас мустақилликни насиб этди. Уни кўз қорачиғидек асрашимиз, ҳам фарз, ҳам қарзимиздир. Манқуртга, гумроҳга айланган кимсалар буни теран англашлари, жаҳолат отидан тушиб, она заминга таъзим қилишга одатланишлари керак.

Ҳикмат НАЗАРМЕТОВ,
Қибрай туман прокурори

Прокурор огоҳликка чорлайди

ЎЗИНГ УНУТ БЎЛАСАН, АММО БАТТОЛ ҚИЛМИШИНГ-ЧИ, НИҚОБДОР ВАТАНФУРУШ!

Қалбларни ларзага келтирган бу фожиа халқ хотирасида оғир муҳрланиб қолганлигини шу кунларда яна бир бор ҳис қилдик. Ўзларини ислом дини фидойилари қилиб кўрсатишга уринган муртад, ақидапараст-террорчиларнинг ўйламай-нетмай (аниқроғи, касалланган ақли билан чуқур ўйлаб) қўйган қадамлари не-не бегуноҳ инсонларнинг ҳаётдан бевақт кўз юмишига, қанча норасида гўдакларнинг етим қолишига, фарзанд ўстирган ота-оналарнинг бедор тунларию, умрларининг умидли мевалари хазон қилинишига, ёш сингилжон-келинчаклар бева қолишига сабаб бўлди.

Ана шу машъум воқеа юз берган кундан буён ўтган ват ҳеч нарсани супуриб кетолмади. Аксинча, бевақт қурбон бўлганлар хотираси бутун бўй-басти билан дилларда такрор намоён бўлди. Бутун бошли йил халқ ғазабини заррача бўлса-да сўндиролмаганлигини ҳис этдик. Бу нафрат алангаси ҳеч қачон сўнмаслиги керак.

Динни ниқоб қилиб олган ватанфурушларнинг мақсади Президентимиз ҳаётига суиқасд уюштириш орқали мустақиллигимизга, тинч-осойишта ҳаётимизга раҳна солиш бўлганлигини нафақат халқимиз, балки бутун жаҳон оммаси эътироф этди. Тўғри, барчамиз гувоҳмизки, гумроҳ кимсаларнинг бир қисми қилмишларига яраша қонун олдида жазоларини олдилар. Уларнинг қолган қисмидан бир гуруҳи кейинроқ Қирғизистонда, Янгиободда амалга оширган хунрезликлари, террорчилик ҳаракатлари бу мунофиқ кимсаларнинг мақсади нақадар тубан эканлигини яна бир бор намоён этди.

Маълумки, ислом дини ҳамиша одамларни яхшиликка, эзгуликка чорлаган. Оллоҳ бизнинг қалбимизда, дилимизда. У жамиятни маънан юксалтиришга, поклашга хизмат қилмоқда. Бироқ дин номи билан ғаламислик қилиш, осуда турмушни бузишга уриниш тавқи-лаънатга дучор бўлиб келган. Шундай бўлиб қолади. Динимизга, эътиқодимизга ёт оқимларнинг пайини қирқиш, ақидапарастларни жиловлаш динимиз софлигини, она-Ватан осойишталигини сақлаш демакдир.

Йўлбошчимиз: «Халқларимизнинг табиатига мутлақо ёт бўлган сиёсий, диний экстремизм, ақидапарастлик ва бошқа ёвуз оқимларнинг минтақамизга кириб келиши ва тарқалиши тинчлик ва осойишталикка, фарзандларимизнинг келажагига катта хавф туғдиришини одамлар онгига чуқур сингдириб бориш керак», деганида минг бора ҳақ эди.

Бугунги кунда бузғунчилик ва нопокликни касб қилиб олган ваҳҳобийлик, акромийлик, Хамас, «Ихвонул-муслимий», «Ислом уйғониши» каби фирқа-ю, ҳаракатлар эътиқодимизга, тинч турмушимизга таҳдид солиб турибди. Жаҳонда жумладан, ислом оламида «Ҳизбут-таҳрир»нинг ҳуфёна бузғунчилик ҳаракатлари қораланганди. Уларнинг дунёда ягона халифалик давлатини тиклаш ҳақидаги ҳайқириқлари одамларнинг энсасини қотиришда. Бу йўлда уларнинг кишиларни «жиҳод»га - инсон қонини тўкишга, талон-тарожга, миллий адоватга даъватлари, ўз ифлос ниятларини рўёбга чиқариш мақсадида ҳар қандай пасткашлик, қотиллик, ўғирлик, қароқчилик, туҳмату бўҳтонлардан қайтмаётганликларини кўриб турибмиз.

Афсуски, иймони суст, эътиқоди бўш айрим юртдошларимиз тушуниб-тушунмай ана шундай ғайри ташкилотлар, фирқа ва ҳаракатлар таъсирига тушиб қолмоқда. Бундайлар орасида кўпроқ ёшлар учраётгани таассуф уйғотмоқда.

Тан олиш керак, феврал воқеалари маълум маънода кўзимизни очди. Ҳушёрликка чорлади. Бунга кенг кўламли ишларимиз натижаси далил. Бизнинг Қибрай туманимизда «Ҳизбут-таҳрир», ваҳҳобийлик каби зарарли оқимлар таъсирига тушиб қолган бир қанча шахслар аниқланди. Хусусан, «Ҳизбут-таҳрир»га мансуб 17 нафар шахс ушланди. Уларнинг аксарияти аҳоли ўртасида ҳақиқатдан йироқ, телба-тескари тарғибот-ташвиқот билан шуғулланишган. Конституциявий тузумимизни ағдаришга, жиҳодга даъват этувчи диний адабиётлар, варақалар тарқатишган. Баъзилари турли қурол-яроғлар, ўқ-дорилар жамлашга киришган. Дилшод Бойматов, Абдуваҳоб Валиев деган кимсаларнинг уйидан ўқдори топилган. Шуҳрат Бурҳонов деган «динпарвар»нинг хонадонидан қорадори ва тўппонча, Миркомил Соатовнинг уйидан даъват варақалари топилган. Шуҳрат Эргашев деган кимса ҳатто граната, ўқдорилар жамлаб қўйганлардан бўлиб чиқди.

Сиртдан художўй, тақводор бўлиб кўринган, одамлар наздида мўмин ва намозхон бўлиб тусланган бу кимсалар ўз қилмишларининг нақадар офатли эканлигини англашмаган дейсизми?

Шавкат Рўзиев, Ғайрат Холмуҳаммедов, Ботир Амиржонов, Рустам Эрматов деганлар портловчи қуролларни эрмак учун йиғишмаганликларини изоҳлаб ўтиришга ҳам ҳожат йўқ. Шу боисдан ҳам бу шахслар қонуний жазодан қочиб қутулолмадилар. Ҳар қанча уринишлари сохта бўлиб чиқди. Ахир, граната билан «экинни чумчуқдан қўриқламоқчи эдим» қабилидаги важлар нима ҳам беради? Бу қурол ўта хавфли, портлаганда одамларга ўлим, тераракка вайрона келтиришини гўдак ҳам билади, ахир. Йўқ, бу қуроллар пинҳона равишда ўз ватандошлари бошига отмоқ, улоқтирмоқ учун ғамланган эди.

Даврон Қобилов, Ҳусан Ғиёсов, Жавлон Холматов, Қосим Ибрагимов деган нусхалар диний-экстремистик руҳдаги варақаларни тарқатиш билан бирга, кишиларни жиҳодга даъват этувчи тарғиботчилик билан ҳам шуғулланишган. Эй, ноинсоф, чаламулла кишилар, сенинг заҳарланган ташвиқотингга зор эмаслигимизни билмасмидинг? Қонун ўз тиғини кўрсатгандан сўнг зор қақшаб «лўличилик»ка ўтганингни кўрдик-ку!

Туман прокуратураси бошқа ҳуқуқ-тартибот идоралари ва кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда диний-экстремизм ва ақидапарастликка қарши қатъий кураш олиб бормоқда. Асосий қуролимиз эса - маърифат. Ўтган давр ичида йўлидан адашиб, шундай оқимлар таъсирига берилиб қолганлардан 77 нафарини аниқладик. Уларнинг аксарияти ўзлари тавба-тазарру қилиб келишди. Баъзиларини ота-онаси, жамоатчилик етаклаб келди. Улар билан алоҳида иш олиб бордик. Маҳаллаларда хулқини муҳокама қилдик. Нопок йўлнинг қалтислигидан огоҳ этдик. Кўпчилиги тўғри йўлини топиб олганлигига гувоҳмиз.

Хуллас, тақдир яратган Оллоҳ бизга, азиз ва муқаддас мустақилликни насиб этди. Уни кўз қорачиғидек асрашимиз, ҳам фарз, ҳам қарзимиздир. Манқуртга, гумроҳга айланган кимсалар буни теран англашлари, жаҳолат отидан тушиб, она заминга таъзим қилишга одатланишлари керак.

Ҳикмат НАЗАРМЕТОВ,
Қибрай туман прокурори

БУГУНГИ СОНДА:

ОРИЯТ

ёш йигитни ўз жонига қасд қилишга мажбур этди

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 21 ноябрдаги «Экинларни пайҳон қилишга қарши кураш самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Фармони ҳамда ушбу масалага оид қатор ҳукумат қарорлари қишлоқ хўжалиги экинларининг пайҳон қилиниши ҳолларига йўл қўймаслик ва уларнинг олдини олиш юзасидан вилоят, туман ҳокимликлари, ички ишлар, прокуратура ва адлия идоралари ходимлари зиммасига масъулиятли вазифалар қўйган. Улар ижросини таъминлаш борасида вилоятимиз адлия бошқармаси тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқди ва амалга оширмоқда.

Халқимиз азалдан нонни энг азиз неъмат деб билган. Ана шундай эъзозланадиган ноннинг буғдойдан тайёрланишини яхши биламиз.

Бироқ орамизда дон экинларини пайҳон қилувчилар учраб турибди.

Масалан, Марҳамат тумани Бобур жамоа хўжалиги аъзоси Маҳмуд Даминов ўзининг 3 бош қўйини қаровсиз қўйиб юбориши натижасида 0,15 гектар экинни пайҳон қилган. Туман суди бу ҳуқуқбузарга жарима солди ҳамда етказган зарарни тўлаттирди. Шу жамоа хўжалигида яшовчи М.Нурматовнинг 5 бош қўйи 0,08 гектар майдондаги буғдойни пайҳон қилганлиги учун жазоланди.

Булоқбоши тумани суди Жўраполвон жамоасида яшовчи М.Маҳмудова ва Н.Қорабоевларнинг тутларни кесганлиги ва буғдойзорларни пайҳон қилганлиги ишини кўриб, уларни қонуний жазолади.

Избоскан тумани Пойтуғ жамоа хўжалигида яшовчи Аъзамхўжаев, Ўтинбоев деганлар ҳам чорва ҳайвонларини буғдойзорларга қўйиб юбориб, экинзорларга катта миқдорда зарар келтиргани учун жазога тортилди. Шу туман «Шарқ Юлдузи» жамоа хўжалигидан А.Тўйчиев, И.Жонбозоров, А.Бўтаев, С.Боқибоев ва Б.Асадуллаевлар ҳам тегишли жазоларини олдилар.

Таъкидлашим жоизки, адлия соҳаси ходимлари мунтазам равишда бошқа идоралар вакиллари, мутахассислари иштирокида жойларда, аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ва тарғибот ишларини олиб боришмоқда. Экинларни пайҳон қилиш фактларига кенг ошкоралик бериб, айбдорларни жамоатчилик орасида «изза» қилишгача чораларини кўраяпмиз.

А.ЮСУПОВ,
Андижон вилояти адлия бошқармаси бошлиғи

Ризқу рўз

ДОН НОН КАБИ ЭЪЗОЗЛИ

ҚИЁСИЙ ҲУҚУҚ МАНБАИ

Ўзбекистон ҳуқуқий жамғармаси яна бир қўлланма билан тўлдирилдиким, юридик фанлари доктори, профессор В.А.Туманов масъул муҳаррирлигида таниқли ҳуқуқшунос олим, профессор Акмал Саидовнинг «Қиёсий ҳуқуқшунослик» ўқув дарслиги яратилишидир.

Бу борадаги билимни биз шу пайтгача асосан хорижий давлатлар адабиётлардан олар эдик. Мазкур ўқув қўлланма 2-қисм, 7-бўлим, 21-мавзудан иборат бўлиб, қиёсий ҳуқуқшунослик билан боғлиқ бўлган барча масалалар мавзунинг барча тарафларини қамраб олган. Қўлланманинг кириш қисмида қиёсий ҳуқуқшуносликнинг жаҳон мамлакатлари тажрибаси ва ривожланишидаги роли ҳамда аҳамияти ҳақида маълумот берилган.

Унинг умумий қисми «Қиёсий ҳуқуқшунослик назарияси ва тарихи» деб номланиб, унда қиёсий ҳуқуқшуносликнинг тушунчаси, ривожланиши, предмети, аҳамияти ва ўқув жараёнида фан сифатида ўқитилиши муаммолари кенг очиб берилган. Бунда муаллиф қиёсий ҳуқуқшунослик услубиятига алоҳида аҳамият қаратиб, қиёслаш тушунчаси ва аҳамияти, қиёсий-ҳуқуқий метод (услуб)и, хусусий илмий услуби, диахроник ва синхроник қиёслаш, ички ва ташқи, микро ва макро қиёслаш каби ҳолатлар, объекти ва қиёслаш меъёрининг ҳуқуқий жиҳатларини очиб берган.

Муаллиф Германия, Франция, АҚШ, Россия каби давлатларнинг мавзуига оид тажрибасини чуқур таҳлил этган. Дарсликда қиёсий ҳуқуқшуносликнинг функциялари масаласи, илмий, амалий ва бошқа функциялари моҳиятан тўла очиб берилган, ҳозирги даврда ҳуқуқ тизимини классификациялаш муаммоси, унда қиёсий ҳуқуқшуносликнинг географик хусусияти ва бутун жаҳон ҳуқуқ тизимидаги ўрни дунёвий нуқтаи назардан таҳлил этилган.

Қўлланманинг «Ҳозирги даврда ҳуқуқнинг асосий тизимлари» деб номланган махсус қисмида роман-герман давлатлари ҳуқуқий тизими (оиласи) ҳақида фикр юритилиб, ташкил топиши ва тарқалиши, роман-герман давлати ҳуқуқий тизимининг тузилиши ва тушунчаси, унинг манбалари француз ва герман ҳуқуқ гуруҳларининг кенг географик хусусияти очиб берилган, Скандинавия давлатларининг ҳуқуқ тизими, унинг жаҳон ҳуқуқ тизимидаги ўрни, тарихий ҳуқуқий ривожланиш этаплари, хусусият ва манбалари ҳақида ўқувчи мос, оддий тушунча берилган, Лотин Америкасида ҳуқуқ тизимининг ташкил топиши ва ривожланиши хусусиятлари ҳақида қизиқарли маълумотлар кенг таҳлил қилинган. Бу ерда муаллиф Япония каби мамлакатлар ҳуқуқ тизими таҳлилини ҳам қамраб олган китобдан ҳозирги Япония ҳуқуқи ҳақида кенг тасаввур олиш мумкин.

Қўлланманинг навбатдаги қисмларидан социалистик ҳуқуқ, тарихий ривожланиши, жумладан, совет ҳуқуқ тизими, Европа постсоциалистик ҳуқуқ тизими, Осиё мамлакатлари ҳуқуқ тизими Куба давлати ҳуқуқ тизими ва бошқа ҳуқуқий масалаларга оид маълумот ўрин олган.

Янги китоблар

«Англия ҳуқуқ тизими», «АҚШ ҳуқуқ тизими», «Британия ўзаро ҳамкорлиги давлатларининг ҳуқуқ тизими», Канада, Австралия ва Янги Зеландия давлатлар ҳуқуқ тизимлари «Мусулмон ҳуқуқи», «Узоқ Шарқ мамлакатлари ҳуқуқи», «Африка ҳуқуқ тизими» чуқур таҳлил этилган. Китобнинг 18-мавзу 5-бўлими аралаш ҳуқуқий тизими деб аталади. Унда аралаш ҳуқуқий тизимининг хусусиятлари, айниқса, Изроил ҳуқуқ тизимининг моҳияти тўла очиб берилган. «Ҳозирги шароитдаги янги ҳуқуқий муносабат ва ҳуқуқий тизим ривожланишининг хусусиятлари» ҳақидаги алоҳида бобда ўқувчи учун қизиқарли масалалар таҳлил этилган.

Китобнинг «Қиёсий ҳуқуқшунослик ва халқаро ҳуқуқ», «Европа ҳуқуқи ва қиёсий ҳуқуқшунослик», «Қиёсий ҳуқуқшунослик ва миллий ҳуқуқий тизим» деб номланган боблари масалани кенг ёритиб берган.

Фикримизча, мазкур қўлланма ҳозирги шароитда тарихий, халқаро, фалсафий ва замонавий-ҳуқуқий аҳамиятга эга китобдир. Энг қимматли томони, унинг биринчи бор ўзбек тилида, давр талаблари асосида яратилганлигида. У миллий-ҳуқуқий манбаларимизни тўлдирди, ҳуқуқий онг ва маданият шаклланишида ижобий хизмат қилишига шубҳа йўқ.

Жуманазар ХОЛМЎМИНОВ,
юридик фанлари доктори

Шу сонга хабар

ГИЁҲВАНДЛИККА ҚАРШИ- 20 МИЛЛИОН

Маълумки, гиёҳвандлик, у билан боғлиқ уюшган жиноятчилик айниқса, терроризм, экстремизм XXI аср бўсағасида жаҳон жамоатчилигининг олдида турган энг долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Яқинда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонасида бўлиб ўтган йиғилиш айни шу масала муаммоларига бағишланди.

«Афғонистон гиёҳвандлик моддаларини етиштириш ва экспорт қилиш бўйича асосий ҳудуд ҳисобланиб, БМТ экспертларининг хулосасига кўра ўтган 1999 йилда бу ерда 4 минг 600 тонна, яъни жаҳон бўйича етиштириладиган гиёҳвандлик моддаларининг 93% миқдорида «ҳосил» олинган, - дея ташвиш билан ахборот бериб ўтди БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси гиёҳвандлик моддаларини назорат қилиш ва жиноятчиликнинг олдини олиш ҳудудий бошқармаси бошлиқ ёрдамчиси жаноб Қудратулла Ассадий. - Ачинарли томони шундаки, мазкур мамлакатда етиштирилаётган гиёҳванд моддалар Ғарб бозорига Марказий Осиё орқали ўтаётганидир».

Гиёҳвандликнинг пайини қирқиш ва назорат қилиш бўйича БМТ ишлаб чиққан лойиҳани амалга ошириш учун мазкур ташкилот томонидан 20 млн. миқдорида АҚШ доллари ажратилиши айни мақсадга мувофиқдир.

Йиғилиш сўнггида ушбу масала билан шуғулланувчи ваколатхона мутасадди ходимлари Ўзбекистондаги бир қатор давлат ва ҳуқуқ-тартибот идоралари масъул ходимлари оммавий ахборот воситалари вакилларининг саволларига атрофлича жавоб қайтардилар.

Ортиқбой ХУДОЙБЕРДИЕВ

Пастдаги суратда: анжуман пайти.

Ўқувчи муносабат билдиради, таклиф қилади

ҒАЗАБЛАНДИК, ҚУВОНДИК

Ҳурматли таҳририят!

Ўқитувчиларимиз ҳар бир дарсда эркин, ҳуқуқий-демократик давлат барпо этилаётгани, адолатли фуқаролик жамияти қурилаётганини кўп такрорлашади. Қайсики давлатда фуқароларнинг ҳуқуқий онги шаклланган, ҳуқуқий маданият даражаси юксак бўлса, шубҳасиз, ана шу юртда қонун бузилишлари, жиноятчилик камаяр экан.

Мактабларнинг 8-11-синф ўқувчиларига ҳафтасига бир соатдан «Давлат ва ҳуқуқ асослари», «Ҳуқуқшунослик» дарслари қўйилган. Сизларга мактуб йўллашимнинг боиси «Инсон ва қонун» газетаси ҳуқуқшунослик дарслари мавзуларини чуқурроқ ўрганишимизда, ҳуқуқ-тартибот соҳаси ва ижтимоий ҳаётни билиб боришимизда бизга яхши қўлланма, манба ролини ўтаяпти.

Янги мавзу ўтиб бўлингач, дарс соатининг 15-20 соатини «Инсон ва қонун» газетасининг янги сонидаги мақолаларни ўрганишга сарфлаймиз. Тўғри, бу ниҳоятда оз вақт. Бироқ дарсдан сўнг улгуролмаган мақолаларни ўқиб, мағзини чақамиз. Фикримиз асоссиз бўлмасин: газетанинг 4 январ сонида босилган «Оила шаъни муқаддас ёки суви тинмаган оилалар болалари хусусида» сарлавҳали мақола анча мулоҳаза юритишга, баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. 18 январ сонида чоп этилган «Арчани ким кесди, «ўртоқ» начальний?» мақоласини ўқиб, бир кечалик Янги йил базми учун табиатга шафқатсизларча зарар етказган кимсаларнинг қабиҳ ишларидан ғазабландик. Ахир, 60 ёшдан ошган Ҳазратқул отанинг шунча меҳнат, сарф-харажат тортиб яратган яшил масканига қирон келтирган бандаларни ким деб аташ мумкин?! Газетанинг мазкур сонида босилган «Қайта ҳуснга очар азим Зарафшон!» мақоласини ўқиб, бир пайтлар дарё бўйларида табобат ва набобат олами бой бўлиб, шўролар даврида унга путур етганидан хабардор бўлдик. Мустақилликка эришилгандан кейингина ўрмон хўжаликлари ташкил этилиб, дарё ёқалари яна қайтадан чирой оча бошлаганлиги, юртбошимиз ва ҳукуматимиз бу борада ҳам ҳуқуқий манбалар қабул қилиб, иш олиб бораётганидан қувондик. Хуллас, қонун устувор бўлган юртда ҳамма-ҳамма, каттаю кичик қонунларга амал қилиши, акс иш қилганларга эса айби даражасида, қонун доирасида жазо қўлланилиши лозим. «Инсон ва қонун» бундан кейин ҳам биз ёшлар таълим-тарбиясига оид чиқишлари билан севимли нашр бўлиб қолади.

Шу ўринда бир таклифим бор. Биз мактаб партасида ўтириб сабоқ олаётган ёшлар олдига келгуси ҳуқуқий-демократик давлатнинг муносиб, комил инсонлари бўлиб етишишдек муқаддас вазифа қўйилган. Шундай экан, ҳафтасига бир соат ўтиладиган ҳуқуқшунослик дарслари камлик қилади. Келгуси йиллардан мактаб ўқувчиларига ҳуқуқшунослик дарсларининг соатлари кўпайтирилса, яхши бўларди!..

Ҳилола ДАВИРОВА,
Самарқанд вилояти, Нарпай туманидаги 30-мактаб, 10-синф ўқувчиси

ТАҲРИРИЯТДАН:

Мактаб ўқувчисининг таклифи мулоҳаза, мушоҳада қилишга жойз кўринади. Ҳақиқатан ҳам ҳафтасига ўтиладиган бир соатлик ҳуқуқшунослик дарси ёки йилига бир марта «Сиз қонунни биласизми?» кўрик-танловининг ўтказилиши (у қаерда, қандай савияда ўтказилаяпти) ўқувчиларнинг ҳуқуқий билимларни мукаммал эгаллаб олишларига етарлимикин? Мактаб ёшидаги ўсмирлар ўртасида майда безорилик, ўғрилик, умуман, жиноятчиликнинг кескин камаяётганини айрим ёшларимизнинг оддийгина қонун илмларидан ҳам йироқлиги оқибати эмасмикин?!

Балки бошланғич синфлардан бошлаб ҳуқуқий илмлар ўргатилишини йўлга қўйиш зарурдир.

Хуллас, ўқитувчилар, ҳуқуқшунослар, тегишли вазирлик ва идоралар мутасаддилари бу борада ўз фикрларини айтишса, ёмон бўлмасди.

Абдуваҳоб Хушбақов ҳуқуқшунослик соҳасида катта тажриба орттирган терговчи. У ҳозир меҳнат қилаётган Қўшработ туман прокуратурасида ўтган йил мобайнида тергов қилинган жиноят ишларининг прокурор ва суд томонидан қўшимча терговга қайтариш, фуқароларни асоссиз ушлаш, қамоққа олиш ва жиноий жавобгарликка тортиш ҳоллари бўлмади.

Бунда 1-даражали ҳуқуқшунос А.Хушбақовнинг ҳиссаси катта албатта. Жорий йилда ҳам туманда жиноятчиликнинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлари таҳсинга лойиқ. Тез-тез жойларда бўлиб, ҳуқуқ-тартибот мавзуларида қизиқарли суҳбатлар олиб бораяпти.

Суратда:

А.Хушбақов туман прокуратураси ходими Ботир Улашев билан иш устида.

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат

Мутахассис шарҳи

АДВОКАТНИНГ ҲИМОЯЧИЛИК ФАОЛИЯТИ

Мустақил Ўзбекистонимиз демократик ҳуқуқий давлат қуриш, адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида дадиллик билан олға бормоқда. Мамлакатда барча соҳалар кенг ислоҳ қилинмоқда. Уларнинг замини Конституциямизда мустаҳкамлангандир.

Жумладан, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланган (Конституциянинг 44-моддаси).

Президент И.Каримов фуқаро ва давлат ўртасидаги муносабатларда инсон манфаатлари устивор бўлишлигини, давлат ҳокимияти тармоқлари ўз фаолиятини инсон омилини ҳимоялашга сафарбар қилгандагина ўз вазифасини тўғри адо этишлигини, фуқаронинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари суд орқали ҳимояланиши тўла таъминланишига эришиш даркорлигини, амалда ҳуқуқи поймол этилган фуқароларнинг мурожаатлари суд орқали эмас, балки маъмурий усулда кўрилиши ҳоллари учраётганлигини таъкидлаб келадилар.

Юртбошимизнинг ***«...Фуқаро агар унинг қонуний манфаатлари ва ҳақ-ҳуқуқлари поймол этилган тақдирда, ҳар қандай масала бўйича ҳимоя учун судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлмоғи даркор»,*** деган фикрлари суд ҳокимиятига нисбатан муносабатларимизни жиддий ўзгартириш лозимлигидан далолат беради.

Қолаверса, шахснинг қонуний ҳуқуқлари суд тартибида ҳимоя қилиниши ҳаёт тақозосидир. Фуқаролик процессуал ҳуқуқий меъёрлар амалиётида фақат судга, унга берилган ваколат доирасида ҳақиқатни аниқлашга ва шу орқали одил судловни амалга оширишга қаратилган ҳуқуқлардан фойдалана олиш имкониятини берган бўлиб, ана шу билан у бошқа давлат ҳокимияти органларидан ажратиб туради.

Маълумки, фуқаролар ва юридик шахслар ўзларига алоқадор фуқаролик ишлари судларда кўрилишида, аксари ҳолларда бевосита иштирок этади. Аммо баъзан касаллик, хизмат сафарида бўлиш, ҳуқуқ нормалари талабларидан етарли даражада хабардор бўлмаслиқ, муомала лаёқатига эга бўлмаслик ва бошқа сабаблар боисидан тарафлар судда ишини юритишни бошқа шахсга (вакилга) топшириши мумкин.

Шу билан бирга фуқаролар суд ишида шахсан қатнаша туриб, бир вақтнинг ўзида вакилни ҳам ишга жалб этишга ҳақлидир. Юридик шахслар (ташкилот)нинг суд ишлари уларнинг раҳбарлари ёки вакиллари томонидан юритилади.

Ишларни судда вакиллар орқали юритиш ҳуқуқи тўғрисида гап кетганда, бундай ҳуқуқдан тарафлар (даъвогар ва жавобгар) билан бир қаторда, учинчи шахсларнинг иштирокидан ҳам фойдаланиш мумкинлиги назарда тутилади.

Шу тариқа қонун даъвогар ва жавобгарга, шерик даъвогарлар ва шерик жавобгарларга, шунингдек, учинчи шахсларга фуқаролик процессининг иштирокчилари бўла туриб, ўз ҳуқуқларини вакиллари орқали амалга ошириш мумкинлигини белгилайди.

Судда вакиллик қилиш деб манфаатдор шахснинг топшириғи бўйича ёки қонунда назарда тутилган барча асосларга кўра процессуал ҳаракатларни амалга оширишга айтилади.

Судда вакиллик қилиш институтининг аҳамияти фуқаро ва ташкилот ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳақиқатни холисона белгилаш, низо юзасидан тўғри қарор қабул қилишда судга кўмаклашишдан иборат.

Қонун барча суд поғоналарида кўриладиган фуқаролик ишларида вакиллар иштирокига йўл қўяди.

Агар фуқаролик ишлари судда кўрилишида тарафларнинг шахсан баёнот беришлари лозим деб топилса, масалан, алимент ундиришга оид ишлар бўйича жавобгарнинг иштироки мажбурий деб топганда, вакил бўлишидан қатъий назар, жавобгар шахс ҳам судга чақирилиши мумкин.

Судда фуқаролик ишларини вакиллар орқали юритиш суд ҳимоясида бўлган ҳуқуқни таъминлаш усулларидан бири ҳисобланади.

Кимларнинг қандай судда вакиллик қилиш асослари ва мақсадлари билан қуйидагиларда акс этади:

Биринчидан, корхона, муассаса, ташкилот, жамоа хўжаликлари ва бошқа кооператив ҳамда ташкилот раҳбарлари, ходимлари - шу корхона, муассаса ва ташкилотлар ишлари бўйича;

иккинчидан, касаба уюшмалари вакиллари - ходимларнинг, шунингдек, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш касаба уюшмалари томонидан амалга ошириладиган бошқа шахсларнинг ишлари бўйича;

учинчидан, қонун, устав ёки низомда ўз аъзоларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқи берилган ташкилотларнинг вакиллари;

тўртинчидан, қонун, устав ёки низомда бошқа шахслар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқи берилган ташкилот вакиллари;

бешинчидан, адвокатлар;

олтинчидан, тарафлар ва ишни кўраётган суд шу иш бўйича вакиллик қилишга рухсат этган шахслар;

еттинчидан, иштирокчилар (шерик даъвогарлар ёки шерик жавобгарлар)дан бири бошқа иштирокчилар топшириғи бўйича вакил бўла оладилар.

Қонун кимларнинг судда вакил бўла олмасликларини ҳам белгилайди. Бундай шахслар:

Биринчидан, вояга етмаган, яъни ўн саккиз ёшга тўлмаганлар. Аммо айрим ҳолларда, масалан, қизларга 16 ёшдан никоҳга киришга рухсат этилиши муносабати билан улар ўз фарзандлари манфаатлари юзасидан судда вакиллик қилишлари мумкин;

иккинчидан, васий ёки ҳомийлар назоратида бўлган шахслар, яъни болалар ва руҳий касаллар;

учинчидан, судьялар, прокурорлар, терговчилар, суриштирувчилар. Улар қонуний вакил (ота-оналар, фарзандликка олинганлар, васийлар, ҳомийлар) сифатида, шунингдек, тегишли суд, прокуратура, суриштирув ва тергов органининг тегишли вакили сифатида қатнашган ҳоллар бундан мустасно.

Судда вакиллик турлари тубандагича: қонуний вакиллик; ихтиёрий (шартномали) вакиллик; касаба уюшмалари ва бошқа жамоат ташкилотларидан вакиллик; юридик шахслар вакиллиги ва уставли вакиллик бўлиши мумкин. Улардан шартномали (ихтиёрий) вакиллик алоҳида ўрин тутади.

Ихтиёрий вакил (шартномали) сифатида судларда аксарият ҳолларда адвокатлар қатнашади.

Президент И.Каримовнинг Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги, ***«Суд жараёнида айблов ва ҳимоянинг амалдаги тенглиги таъминланмоғи ва бунинг учун адвокатура идораларининг мавқеини кўтариш даркорлиги тўғрисидаги фикрлари давр талаб этилаётган масалалардан бўлиб, бунга кўра адвокатура тўғрисидаги қонунларни янада такомиллаштириш ҳамда адвокатуранинг суд процессидаги фаолиятини янада ошириш лозим»*** лигидан далолат беради.

Таъкидлаш жоизки, адвокатура - ҳуқуқий институт бўлиб, у адвокатлик фаолияти билан шуғулланувчи шахслар, жумладан, хусусий адвокатнинг мустақил, ихтиёрий, касбий бирлашмаларини ўз ичига олади. Адвокатура Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ Ўзбекистон фуқароларига, ажнабий фуқароларга, фуқаролиги бўлмаган шахсларга, корхона, муассаса, ташкилотларга юридик ёрдам кўрсатади.

Адвокатура ҳайъати аъзолари фуқаролик, хўжалик, жиноят ишлари бўйича тузилган шартнома асосида манфаатдор шахсларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилади.

Республикамизнинг «Адвокатура тўғрисида»ги 1996 йил 27 декабр қонуни ва унинг асосида қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатларда адвокатларни маъмурий, меҳнат, хўжалик низоларида ҳам иштирок этиши, моддий ва процессуал ҳуқуқлардан фойдаланиши ҳуқуқи акс этган.

Ўзбекистонда олий юридик маълумотга эга ва белгиланган тартибда адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия олган Ўзбекистон фуқароси адвокат бўлиши мумкин. Бундай лицензияни олиш учун шахс малака имтиҳонини топшириши шарт.

Адвокатлик лицензияси Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар, Тошкент шаҳар адлия бошқармалари томонидан, тегишли малака комиссиялари қарори асосида берилади.

Муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахслар, шунингдек, судланганлиги бекор қилинмаган ёки олиб ташланмаган шахсларнинг бу фаолият билан шуғулланишига йўл қўйилмайди.

Адвокат ўз фаолиятини қонун устунлиги, процессуал қонунларда белгиланган демократик тамойиллар асосида мустақил амалга оширади.

Адвокатура ҳақидаги қонуннинг янги жиҳатларидан бири шундаки, адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни белгиланган тартибда олган шахс ўз адвокатлик бюросини очиб, якка тартибда фаолият кўрсатишга ҳамда ихтиёрийлик асосида бошқа адвокатлар билан ҳайъатлар ва фирмалар тузишга ҳақлидирлар.

Адвокатлар: ваколат берувчи шахсларнинг топшириғига мувофиқ, улар ҳуқуқини ҳимоялаш учун ҳуқуқий маслаҳат ва тушунтиришлар, қонун ҳужжатлари юзасидан оғзаки ва ёзма маълумотлар беради;

ҳуқуқий хусусиятдаги ариза, шикоят ва бошқа ҳужжатлар тузади;

фуқаролик ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича судда, бошқа давлат органларида, жисмоний ва юридик шахслар олдида вакилликни амалга оширади;

жиноят ишлари бўйича дастлабки тергов ва судда ҳимоячи, жабрланувчининг вакили, фуқаровий жавобгар томонида иштирок этади;

тадбиркорлик фаолиятига юридик хизмат кўрсатади.

Адвокат юридик ёрдам сўраб мурожаат этган шахсларга қариндош бўлсалар ёки иш юзасидан бевосита ёки билвосита манфаатдор бўлсалар, юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги ишлардан воз кечишлари лозим.

Адвокат фуқаролик ва жиноят процессуал кодекси ҳамда адвокатура тўғрисидаги қонун талаблари асосида иш тутишлари керак.

Адвокатура тўғрисидаги қонуннинг муҳим жиҳатларидан бири бу - адвокат билан мижозлар ўртасидаги ишга оид муносабатлар сир сақланишига доир ҳуқуқий меъёрдир.

Адвокатлик сирига мижознинг адвокатнинг ёрдам сўраб мурожаат этганлиги масаланинг мазмуни, берилган маслаҳатлар, насиҳатлар ва тушунтиришларнинг моҳияти, адвокатнинг мижоз билан ўтказган суҳбатида тўхтаб ўтилган барча масалалар киради.

Фуқаролик процессуал кодексига кўра, адвокат судда вакил бўлиши муносабати билан у фуқаролик ишларини судда кўришда иштирок этувчи шахс қаторига киритилади ва унинг процессуал ҳуқуқи кенгайди ҳамда у тарафлар, учинчи шахслар, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишда иштирок этадиган прокурор, давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқаролар каби процессуал ҳуқуқлардан тенг фойдаланишга ҳақли бўлди.

«Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги 1998 йил 25 декабр қонунига кўра, **«Адвокат суд ишларини юритишнинг ҳамма босқичида процесснинг барча иштирокчилари билан тенг ҳуқуқларга эга»** эканлиги белгиланди. Адвокат ишда иштирок этувчи шахс сифатида иш материаллари билан танишиш, улардан кўчирма олиш, нусхалар кўчириш, рад этиш тўғрисида арз қилиш, далиллар тақдим этиш, далилларни текширишда иштирок этиш, ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга ва одил судловни амалга оширишда кўмаклашаётган шахсга саволлар бериш, арз қилиш, илтимосномалар тақдим этиш, судда оғзаки ёки ёзма тушунтиришлар бериш, ишни судда кўриш давомида туғиладиган барча масалалар бўйича ўз важларини баён қилиш, бошқа шахслар арзлари, илтимосномалари, важларига қарши эътирозлар билдириш, суднинг ҳал қилув қарори, ажрими ва қарори устидан шикоят қилиш, суд чиқарган ҳал қилув қарори ва ажримларининг мажбурий ижросини талаб қилиш, суд ижрочиси ҳаракатларида қатнаши каби ҳуқуқларни амалга оширишга ҳақлидир. Бироқ ваколат берувчи шахс, яъни шартнома ва устав бўйича вакиллик қилувчининг талабларидан бутунлай ёки қисман воз кечиш, уларнинг асосини ёки предметини ўзгартириш, миқдорини кўпайтириш ёки камайтириш, даъвогарнинг талабларини тан олиш, келишув битими тузиш, ваколатларни бошқа шахсга ўтказиш (бошқа шахсга ишониб топшириш), суднинг ҳал қилув қарори (ажрими) устидан шикоят бериш, ижро варақасини ундирувчига қаратиш, даъво тақдим этувчига тегишли деб қарор чиқарилган мол-мулк ёки пулни олиш ваколати тўғрисида, уларнинг ҳар бири ҳақида алоҳида ҳолда ваколат берувчи томонидан топширилган ваколатномада махсус изоҳ берилиши керак.

Демак, шартнома асосида вакиллик қилувчи адвокат ваколат берувчининг топшириқларидан бошқа ҳаракатларни бажаришига ҳақли эмаслиги ва лозим ҳолларда вакилни бажарадиган ҳаракатлари ваколатномада ўз аксини топган бўлиши талаб этилади.

Қонунда адвокатнинг мустақиллигини таъминлаш, унинг дахлсизлиги, адвокатлик фаолиятига аралашмаслик, ижтимоий ҳимоя чоралари ва бошқа масалалар ўз ифодасини топганлиги муҳим ҳолат ҳисобланади.

Шоакбар ШОРАҲМЕТОВ,
юридик фанлари доктори, профессор

Ўсмир ва ҳуқуқ

ЁШЛАР ТАРБИЯСИ - КЕЛАЖАК МЕВАСИ

Фарзанд ширин, одоби ундан-да ширин, деган ҳақ гап бор. Ота-оналар фарзандини яхши кийинтиришга, соғлом ўстиришга ҳаракат қилади, яхши кунлар, тўй-томошалар умиди билан яшайди. Ўзбеклар - болажон халқ деган иборанинг мазмуни ҳам шундадир. Аммо атрофимизда фарзандининг таълим-тарбиясига, одоб-ахлоқига, хатти-ҳаракатларига кўп ҳам эътибор бермаётган ота-оналар ҳам учраб туради. Бунга сабаб бозор иқтисодиётига ўтиш давридаги қийинчиликлар дейдиганлар учун бу бир баҳона деб ўйлайман. Чунки халқимиз уруш йилларида ҳам, очарчилик даврларида ҳам фарзанд тарбияси учун вақт топган, боланинг нозик қалбига эзгулик уруғларини қадаган...

Баъзан маҳалла оқсоқоллари, ўқув-тарбия муассасаларидаги мутасадди ходимлар ҳам ёшлар тарбиясига етарлича эътибор қаратмаётганини кўриб ўйга толасан. Ўтказилаётган учрашув ва давра суҳбатлари мазмун моҳияти ўсмирнинг онгига, руҳиятига ҳар доим ҳам кириб бормаяпти. Демак, ёшларда қонунларни ҳурмат қилиш, ҳақ-ҳуқуқларни билиш, миллий қадриятларга амал қилиш кўникмаси қандай пайдо қилинади, деган савол туғилади.

Ўсмирни уришиш, кўркитиш билан мақсадга эришиб бўлмайди. Салбий хатти-ҳаракатларнинг оқибатларини чуқур тушунтириш яхши натижа бериши мумкин, деб ўйлайман. Ўсмир тарбиясига ота-она, педагоглар ва маҳалла-кўй биринчи навбатда масъулдирлар. Афсуски, ана шу масъулият тўлақонли ҳис этилмаганлиги оқибатида гоҳо вояга етмаган ўсмирлар жиноят содир этишмоқда, дайдиб юришни одат қилишаётир. Самарқанд вилоятининг Жомбой туманида вояга етмаган ёшлар томонидан содир этилган жиноятлар бир йилда 60 фоизга ўсганлиги фикримиз исботидир.

Назар қишлоғида яшовчи Жаҳонгир Насимов ва Фурқат Жумаевлар тумандаги 27-ҳунар-таълим лицейида ўқишади. Улар кечаси дайдиб юришни одат қилишиб, «Тошкент-Термиз» кўчасидан ўтаётган ДЭУ автобуси ойнасига тош отиб синдирадилар. Туманнинг Деҳқонобод кўрғонида яшовчи 18 ёшли Акмал Холжигитов ва Тошкент кўрғонида яшовчи Турсуной Шерматовалар ўзлари яшаб турган кўрғондаги хонадонларга ўғирликка тушиб, мустақил ҳаётга жиноят курсисида ўтириб йўлланма оладиган бўлдилар. Андижон вилоятидан келиб дайдиб юрган Азиз Иқромов Тумандаги деҳқон бозорида ўзганинг чўнтагидан 3500 сўм пулини ўмараётганда жиноят устида қўлга олинган.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Айниқса, ота-онасидан сўроқсиз мактабга бормай, кўчаларда изғиб юрганлар, транспорт воситаларига осилиб йўл ҳаракати қоидасини бузаётганлар, жанжалга ўч ёш ўсмирлар туман ички ишлар бўлимининг вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи инспекциясига кўплаб келтирилмоқда. Ўтган йил 49 нафар ўсмир ҳуқуқбузарлиги учун инспекцияга келтирилган. Улардан 9 нафари Жомбой шаҳридаги 40-ўрта мактаб ўқувчилари бўлиб чиқди. Нари борса 10-15 ёшга кирган бу болалар транспортда 20 километр йўл босиб Самарқанд шаҳрида дайдиб юрганда милиция ходимлари томонидан ушланган. Бу ҳолни ота-оналар, мактаб маъмурияти, маҳалла кенгашлари қандай изоҳлар экан? Бугун дайдиликни ўрганган бола эртага жиноят содир этмайди, деб ким кафолат бера олади?

- Болага ёшликдан тўғри тарбия берилмас экан, кейинчалик уни тўғри йўлга тортиш анча қийин кечади, - дейди туман прокурори Ў.Ўрмонов. - Шунинг учун ҳам ўз мажбуриятларига совуққонлик билан қараётган ота-оналар билан кўпроқ ишлашга тўғри келади.

Ўтган йили вояга етмаганларга оид қонунлар ижроси юзасидан туман прокуратураси 17 марта текширишлар ўтказди, аниқланган қонунбузарликлар юзасидан жойларга кўплаб тақдимнома ва амрномалар жўнатилди. Уч нафар мутасадди ходимлар расман огоҳлантирилди, 24 нафари эса интизомий жавобгарликка тортилди. 7 нафар шахс эса маъмурий жавобгарликка тортилиб, битта қабул қилинган ғайриқонуний қарор прокурор протести билан бекор қилинди. Хуллас, ўсмирлар жинояти ва ҳуқуқбузарликларига қарши курашувчи назоратчилар томонидан қатъий чора-тадбирлар белгиланмоқда. Бироқ назаримизда яна нимадир етишмаётгандек туюлади. Болалар тарбиясида «Ота-она - мактаб-маҳалла» ҳамкорлигини вақтинчалик эмас, балки белгиланган дастурлар асосида қатъий режа билан доимий амалга ошириб бориш яхши самара беради. Зеро, ҳаёт талаб этаётган бўлажак ҳуқуқий давлат фуқаролари тарбияси учун барчамиз масъулдирмиз.

Ҳ.ОЛИМОВ,
журналист

Ҳаёт сўқмоқларида

ҚЎШМАЧИЛАР

Инсоннинг кўнглида пайдо бўладиган ҳар қандай истак, интилиш ва майл унинг онги, ҳис-туйғулари одоб-ахлоқ мезонининг қай даражада эканини кўрсатади. Шунинг учун ҳам кўнгил - нозик шиша дейдилар. Айниқса, ёшларимиз кўнгил тубида пайдо бўлган эзгу ниятларини тоза сақлаб, орзуга етишга интиладилар. Аммо минг афсуслар бўлсинки, айрим ёшларимиз шошма-шошарликка берилиб, соф туйғуларни билиб-билмай оёқости қиладилар. Самимий муносабат, муҳаббат сарҳадларидан четга чиқиб, «билмайин босдим тиканни, тортадурман жабрини», деб афсуснадомат қилиб, пешоналарига шапатилаб қоладилар. Айрим ёш қизларимиз эса йўлдан бир адашиб ҳам ақлларини тўплаб, ўзларини босиб олишга ҳаракат қилмай, фаҳш йўлига ўтиб оладилар. Бу ўта ачинарли ҳол, албатта. Мен бу ўринда Сариосиё туманидаги Шарғун шаҳрида бўлиб ўтган икки воқеани нақл қилмоқчиман.

Кундузи соат учлар чамасида шаҳарчанинг Мирзо Улуғбек кўчаси, 25-уйининг 11-хонадони олдида кўринишидан айни балоғат ёшига етиб қолган, келишган бир қиз ва унинг ёнида ўзидан ёши бироз каттароқ йигит пайдо бўлди. Уларнинг бир-бирларига мулойим жилмайиб, кулиб гаплашиб турганларини кўрган иккинчи ўткинчиларнинг ҳаваси ҳам келгандир, балки. Ахир, кўнглида илиқ ҳиссиёт куртаги бўртмаган бундай ёшларни кўриб, кимнинг кўнгли тўлқинланмайди...

Орадан ҳиёл вақт ўтмай, хонадон соҳибаси, ёш жувон Муҳайё чиқиб келди.

- Ҳа, М...хон, келдингизми? - деб у қизгина билан қучоқ очиб кўришди. Уларнинг аввалдан таништилиги кўриниб турарди. Қизгина уй эгасининг қулоғига бир нималарнидир пичирлади. Қизнинг гапини эшитган Муҳайё бир буралиб айёрона жилмайди-да, қизнинг ёнида турган йигитга қараб, «Майли, киринглар, меҳмон бўлинглар» деди.

Унинг «Ҳа, майли» сўзига маҳтал бўлиб турган «ошиқ-маъшуқ» М.А. ва И.А.лар аёлнинг хонадонидан иссиқ жой топганларидан севиниб, унга «совға» топширдилару «кўнгил кўчасига» кириб кетдилар...

Шу кунларда «Тозалаш» тадбири бўйича иш олиб бораётган Сариосиё тумани ички ишлар бўлими ходимлари бу хонадонни кўздан кечирмоқчи бўлиб ичкарига кирганларида, хонадон соҳибаси ўзини йўқотиб қўйди. У уйидаги фаҳш ишларини яширолмади, стол устида турган 500 сўм пул эвазига қўшмачилик қилаётган экан. «Мени кечиринглар, эрим йўқ, бунинг устига уч нафар вояга етмаган фарзандим бор...», деб йиғлашга ўтди у. Йўқ, унинг кўз ёшлари гуноҳини юволмади...

Уч-тўрт кун ичида Шарғун шаҳарчасидаги Шахтёрлар кўчаси, 62-уй, 15-хонадонда яна шундай ҳолат рўй берди. Бу хонадонда яшовчи, ҳеч қаерда ишламай, фойдали меҳнат ўрнига фаҳш ишлар билан шуғулланиб юрган Сайёра исмли аёлнинг сири ҳам очилиб қолди. Туман ИИБ ходимлари томонидан «Тозалаш» тадбири бўйича кундузи соат тўртларда текшириш ўтказилганда унинг уйида ҳам «ошиқ-маъшуқ» М.М. ва С.П.лар борлиги аниқланди. Уй бекаси ҳам қўшмачилиги эвазига йигитдан олган 1000 сўм пулни энди ҳазм қилолмаслигини дарров англаб етди.

Сўроқ пайтида у: «Мен уйнинг олдида турган эдим. Олдимга М. исмли қиз келди. Мен уни олдиндан танирдим. Бу қиз билан гаплашиб турган эдим, орадан тўрт-беш минут ўтар-ўтмай, П. исмли йигит ҳам келди. Уни ҳам танирдим. Йигит аввал қизнинг номини сўради, сўнг у билан таништиришимни ўтинди. Икки ёшни бир-бири билан таништириб, уларни уйга таклиф қилдим. Йигит «ишни пиширганим» учун 800 сўм берди. Мен: «Йўқ, 1000 сўм берасиз» дегандим у яна 200 сўм қўшди, деб ҳаммасини очиқ-ойдин гапириб берди.

Сариосиё туман суди А.Рўзиқулов раислигида бу икки нафс бандаларининг жиноий ишларини кўриб чиқиб, уларга қилмишларига яраша жазо тайинлади.

Ҳукм ўз йўли билан дейлик. Аммо енгил-елпи пул топаман деб юзларига қора суртган бу икки аёл маҳалладошлари олдида нима деган одам бўлдилар?..

Икки йигит, айниқса, икки нафар ёш қизлар-чи? Улар буюк юнон файласуфи Суқротнинг «Гўзаллик - бу қисқа муддат ҳокимлик қиладиган қироличадир» деган ҳикматли сўзининг маъносини қачон тушуниб етадилар?

Аҳлиддин НУРАЛИЕВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

Бизга ёзадилар

АВТОҲОДИСАДАН ЖАБРЛАНГАН УҒЛИМГА ЁРДАМ БЕРИШМАЯПТИ

Ҳурматли таҳририят!

9 яшар ўғлим Акром Муҳаммадиев 1998 йил 9 декабр куни Денов шаҳрида автоҳалокатга учраб, оқибатда оёғи ва мияси операция қилинди. У ногирон бўлиб қолди. Яхши гапиролмайди, бир оёғи иккинчисидан калта битди, гўдак пайтидан соғлигини йўқотди. Уни ойлаб касалхоналарда даволатиш учун сарсон-саргардонмиз, Денов, Самарқанд шаҳарларида ҳакимларга кўрсатиб юрибмиз. Мактабга ҳам қатнай олмайди. Хуллас, катта моддий харажат ва маънавий азоб тортаяпмиз.

Автоҳалокат содир этган шофёр эса авваліга бироз қарашиб, ёрдам кўрсатиб турди. Сўнг умуман қарашмасдан қўйди. Денов шаҳар ички ишлар бўлими терговчилари ҳам ёрдам кўрсатишмаяпти. Эрим ишламайди. 4 нафар болаларимни ҳам боқишим керак. Ўзим касалхонада ҳамшира бўлиб ишлайман, холос. Топган-тутганим етмаяпти. Жуда қийналиб кетдик. Ногирон ўғлимни эса ҳар олти ойда бир марта даволаниш учун ётқизишим керак. Терговчилар ва прокурорлар шофёрга ҳеч қандай чора кўришмади. Илтимос, менга ёрдам беринглар.

Хосият МУҲАММАДИЕВА,
Сурхондарё вилояти, Денов шаҳри, А.Ниёзов кўчаси, 59-уй

ТАҲРИРИЯТДАН:

***Муҳтарама Хосият опа! Оилангиз, хусусан, ўғлингиз Акромнинг чекига тушган фожиа, тортаётган қийинчиликларингизни англаймиз, кечираётган ташвишли ҳиссиётларингизни тушунамиз. Шу боис ҳам ҳуқуқ-тартибот идораларига тегишли бўлса-да, илинж билан битган хатингизни жавобсиз қолдирмадик. Сиз автоҳалокат оқибатида ўғлингиз ногирон бўлиб қолганини-ю, ҳеч ким ёрдам кўрсатмаётганини ёзибсиз. Аммо автоҳодисада ким айбдор эканлигини, шофёрнинг шахси ва нақадар йўл ҳаракати қоидасига хилоф иш тутганлигини ёзмабсиз. Тергов органлари қандай хулосага келганлиги ҳам қоронғида қолибди. Ваҳоланки, ҳайдовчи йўл ҳаракати қоидасини қўпол равишда бузган ҳолдагина оқибат учун айбдор ҳисобланади, унинг Сизга ва ўғлингизга етказган зарари учун жавобгарлиги ва мажбурияти юзага келади. Агар у айбдор бўлмаса, буни терговчи, прокурор ва суд расмий равишда эътироф этмаса, унга даъво қилишга, Сизга моддий ёрдам кўрсатишга мажбурловчи ҳеч қандай қоида йўқ. Қолаверса, бундай талаб адолатсизлик бўлади. Моддий қийинчилик ҳақида ёзибсизу «эрим ишламайди», деб қўшиб қўйибсиз. Балким эрингиз оила бошлиғи ва болаларнинг отаси сифатида бурчини бажаришга киришса яхши бўлармиди?!*

Хуллас, маслаҳатимиз шу - бардошли ва сабр-қаноатли бўлинг, икки йил илгари автоҳалокатда шофёрнинг айбли-айбсизлиги масалани ҳал қилишда муҳим эканлигини ёддан чиқарманг. Бу ҳақда тергов органи келган тўхтамдан бохабар бўлинг. Шунга қараб қонун доирасида талаб қўйсангиз тўғри бўлади.

Бу ажиб дунё

ҲАРБИЙ ХИЗМАТДАН ҚОЛИШНИНГ ҒАЛАТИ УСУЛИ

Армияга боришдан сақланиш учун нималарни ўйлаб топишмаяпти, дейсиз. Лекин Новосибирскдаги воқеа кўпни кўрган ҳарбий маҳкама ходимларини ҳам лол қолдирди.

Ёш йигит ҳарбий хизматга бормаслик мақсадида жуда кўп усулларни мўлжаллаб кўрди. Охири уч нафар фарзанди бор 28 ёшли аёл билан никоҳдан ўтиб олди. Шундан сўнг у ниятига етди: кўп болали оила бошлиғи сифатида ҳақиқий ҳарбий хизматдан қонуний равишда қутулиб қолди.

ЭНГ УЗОҚ УМР КЎРГАН КИМ?

Ер куррасида энг кўп яшаган, яъни энг узоқ умр кўрган одам ким, деган саволга шу маҳалгача аниқ жавоб йўқ эди. Геронтолог оламларнинг аниқлик киритишича, 1995 йилда вафот этган хитойлик Гон Лайфа дунёда энг узоқ умр кечирган инсон экан. У 147 йил яшаган. Г.Лайфа турмуши давомида оддий таомларга қаноат қилган, чекмаган. Лекин ҳар куни гуруч арағидан озгина-озгина тановвул қилиб турган.

ОАВ асосида
М. ЖАЛИЛОВА
тайёрлади

Донимиз-нонимиз

ҲАСИБАМИЗНИ ПАЙҲОН ЭТМАЙЛИК

Ғалла барчамиз учун ризқ рўзимиз, эртанги кунимиз насибаси. Бугунда бепоён даларимизда ривож топаётган ғалла ниҳоллари деҳқон ардоғида кўкак бўй чўзмоқда. Яшилликка бурканган даларга боқиб меҳринг товланади. Ғалла мустақиллигига эришган истиқлолга дил-дилингдан шукроналар айтасан.

Ўтган йили Жомбой тумани ғаллакорлари 50 минг тоннадан ошириб сара дон етиштирдилар. Ҳар гектар майдон ҳосилдорлиги ўртача 43 центнерни ташкил этди. Бу муваффақиятга ғаллакорлар экин агротехникаси тадбирларини вақтида ва сифатли ўтказиш билан бирга ғаллазорларни уй ҳайвонларига пайҳон қилдирмасдан, ҳар туп ниҳолни асраб-авайлаш туфайли эришмоқдалар.

Шу кунда туманда 13 минг гектар майдондаги ғалла майсалари баравж ривожланмоқда. Насиб этса деҳқонлар бу йил ҳам мўл-кўл ҳосил йиғиштириб олиш ниятида. Фақат барчамизнинг олдимизда турган муҳим вазифалардан бири ғалла нав-ниҳолларини пайҳон қилинишига йўл қўймасликдир. Бу борада республикамиз Вазирлар Маҳкамасининг «Экинларни пайҳон қилишга қарши кураш самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарори ҳаётга кенг жорий этилиб, ижросини таъминлашдан иборат.

- Ушбу қарор ижроси юзасидан прокуратура ходимлари ҳамкорлигида тумандаги барча жамоа ва ширкат хўжаликларида текширишлар ўтказилиб, тегишли чора-тадбирлар белгилаб берилмоқда, - дейди туман прокурорининг ёрдамчиси М.Султонова. - Ҳозирги вақтда туман ички ишлар бўлимидан 20 нафар ходим биркитилган бўлиб, улар 4 гуруҳда фаолият кўрсатаяпти. Ҳар бир хўжаликда биттадан от ажратилган. Шу билан бирга хўжаликларнинг раҳбарлари, қишлоқ фуқаролар йиғинлари раислари, маҳалла ва хотин-қизлар фаоллари ҳам экинларни пайҳон қилишнинг олдини олиш юзасидан назоратни кучайтириб, аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишларини олиб бормоқдалар.

Афсуски, ана шундай текширувлар чоғида эл ризқига назар-писанд қилмайдиган, оёғи остидан нарини кўролмайдиган шахслар аниқланди. Жумладан, Н.Эсонтурдиев номли жамоа хўжалигининг 18-бригадасида яшовчи Саидмурод Тиллаев, 4-бригадасида яшовчи Икром Ортиқовлар қорамолларини ғалла майдонларига қўйиб юбориб, хўжаликка 3250 сўмлик моддий зарар етказганлар. Тумандаги «Оқ олтин» жамоа хўжалигида яшовчи Уммат Қўлдошев, Асқар Бутунов, Аҳмад Қўлдошев, Ҳусан Остоновлар ҳам ғаллазорларда хайр-бараканинг кўтарилишига сабабчи бўлаётганлардан экан. Улар қорамолларини ям-яшил экинзорларга боқиб хўжаликка катта моддий зарар етказганлар. Ушбу зарарлар мол эгаларидан тўлиқ ундирилиб, улар маъмурий жавобгарликка тортилдилар.

Ўтказилаётган текширувлар давомида А.Қурбонов номли жамоа хўжалигининг Шерқўрғон қишлоғида яшовчи фуқаролар Б.Усмонов ва Н.Умаровларнинг «шерюраклиги» ҳаммасидан ҳам ошиб тушди. Улар 7 бош қорамолини хўжалик ғаллазорларида тап тортмай боқиб юришган. Натижада 0,18 гектар майдондаги ниҳоллар пайҳон этилган. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобига қараганда, улар томонидан жамоа хўжалигига 40.600 сўм зарар етказилган. Фаоллар томонидан фуқароларнинг 7 бош қорамоли олиб қўйилиб, шу жойнинг ўзида бир бош қорамол сўйилиб, жамоа хўжалигида яшовчи кам таъминланган оилаларга ва болалар боғчаларига тарқатилган. Келтирилган 40.600 сўм зарар айбдорлардан тўлиқ ундирилиб, ўзлари маъмурий жавобгарликка тортилди.

Истиқлол шарофати билан халқимиз ўзининг нонига эга бўлди. Ғаллазорда гуркираб ўсаётган бугунги майса эртанги кунимизнинг насибасидир. Шундай экан, деҳқон меҳнатининг қадрига етиб экинларни пайҳон этмасдан асраб-авайлаш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиз ҳисобланади.

Олим ҲАМЗАЕВ,
журналист

Сиз нима дейсиз?

ПРОЦЕССДА «ПРОТЕСТ» КЕРАКМИ?

ёхуд суд мустақиллиги хусусида шахсий мулоҳазалар

Аждодларимиз орзу қилган мустақиллик қўлга киритилди. Юртимизнинг тинч ва фаровон ҳаёт кечириши учун асосий, ҳуқуқий пойдевор умуминсоний тамойилларга ва халқаро андозаларга асосланган, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари усутнлигини тан олган ҳолда, республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлашга интилиб, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни кўзлаб, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш мақсадида 1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикасининг биринчи Конституцияси қабул қилинди.

Инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиб, қонун билан ҳимоя қилинадиган бўлди.

Ўзбекистон Конституциясининг 44-моддасига асосан «ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади».

Президентимиз ўзининг «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» китобида таъкидлаганидек, «Жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш таъминланганда у чинакам ҳуқуқий, фуқаролик жамияти бўлади». Бинобарин, суднинг қарорисиз фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларидан маҳрум қилишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас.

Суд-ҳуқуқ ислоҳоти ўтказилиши муносабати билан ҳуқуқшунос олимлар ва амалиёт ходимлари ўртасида мунозарага сабаб бўлиб келаётган айрим долзарб масалалар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларимни билдирмоқчиман.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилишни амалга ошириш тартиб-қоидаларини ўзида акс эттирган махсус процессуал нормалар Конституция нормаларига мос равишда қабул қилиниши лозим. «Конституциянинг бирорта қоидаси, - дейилади Конституциянинг 16-моддасида, - Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказадиган тарзда талқин этилиши мумкин эмас. Бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас».

Аммо «Тан олишимиз керак, - дейди Президентимиз И.Каримов, - эски андозалардан тўлиқ қутула олмаяпмиз. Барча муҳим қарорлар юқоридан қабул қилиниб, бизларни бор-йўғи итоатгўй ижрочиларга, баъзан ўйланмай қабул қилинган қарорлар қурбонига айлантирган маъмурий буйруқбозлик, мустабид тузум иллатларидан жудо бўлишимиз қийин кечаяпти».

Тан олиш керак, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини суд тартибида ҳимоя қилиш механизмларини белгилаб берувчи амалдаги - фуқаролик процессуал ва хўжалик-процессуал кодексларининг айрим ҳуқуқий нормалари фуқароларнинг қонун олдида тенглигини, ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шунингдек, одил судловни амалга оширишдаги судьяларнинг мустақиллигини тўла таъминлай олмайди.

Маълумки, судьянинг мустақиллиги ва фақат қонунга бўйсуниши асосан одил судловни амалга оширишда ўз ифодасини топади.

«Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашишга йўл қўйилмайди» (Конституциянинг 112-моддаси) Қонуннинг бу талаби ҳаммага, шу жумладан, юқори турган судларнинг мансабдор шахсларига ҳам тааллуқли.

Аммо амалдаги процессуал қонунларда, (ФПК, ХПК), «Судлар тўғрисида»ги, «Прокуратура тўғрисида»ги қонунларда белгиланган суднинг қонуний кучга кирган қарорлари устидан берилган норозилик аризашикоятларни кўриш ва ҳал қилиш тартиби, биринчидан, ҳар бир шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини фақат суд орқали суднинг ҳамма босқичларида шахсан ўзи ҳимоя қилиш ҳуқуқини чеклаб қўйса, иккинчидан, уларни суднинг ғайриқонуний қарорларига протест келтириш ҳуқуқи берилган суд ва прокуратуранинг мансабдор шахсларига боғлиқ қилиб қўяди.

Фуқаролик ишлари бўйича судларнинг қонуний кучга кирган қарорлари устидан берилган норозилик шикоят аризалари тарафлар томонидан бевосита суд таркиби номига эмас, балки суд ва прокуратуранинг қонунда белгилаб қўйилган тегишли мансабдор шахслари номига ёзилиб, суднинг қарорига протест келтириш сўралади. Ҳуқуқи бузилган тарафларнинг шикоятда келтирган асослари суднинг қарорига протест келтириш учун етарли эмас деган хулосага келган мансабдор шахс эса якка тартибда шикоят берганнинг талабини рад қилиш ҳуқуқига эга.

Бундан ташқари, суд ва прокуратуранинг мансабдор шахслари топшириғи билан тарафларнинг шикоятига асосан фуқаролик ва хўжалик иш материаллари билан танишган, суд қарорининг қонуний, асосли ва адолатлилигини текширган вилоят суди ёки Олий суднинг судьяси ўз фикрини мустақил ифода этиш ҳуқуқига эга эмас. Чунки назорат тартибида протест келтириш ҳуқуқи суднинг раиси ёки унинг ўринбосарига берилган бўлиб, фақат улар томонидан имзоланади. Бу ҳол ҳам судьяларнинг мустақиллигини чеклаб қўймайдими?

Тарафларнинг суд қарорлари устидан берилган шикоят аризаларида қўйилган талаблари прокуратуранинг мансабдор шахслари томонидан рад этилганда, уларнинг ҳаракати устидан умумий тартибда судга шикоят билан мурожаат қилиш мумкин. Аммо суднинг раиси ёки унинг ўринбосарларининг ҳаракати устидан кимга шикоят қилиш керак?

Умуман олганда, суд таркибида қабул қилинган ҳужжатларга суднинг юқори босқичи таркиби томонидан баҳо берилмасдан, суднинг раиси ёки унинг ўринбосарининг якка ўзи томонидан баҳо берилиши суд иш юритилишидаги демократик тамойилга ва Конституциямиз руҳиятига тўғри келмаслиги ва эътирозларини бевосита ўзлари суд мажлисида асослаб бериш имкониятига эга бўладилар. Шу билан бирга одил судловни амалга оширишда судьяларнинг ҳақиқий мустақиллиги суд ишини юритишда бевоситалик, тарафларнинг тортишуви ва тенгҳуқуқлилиги таъминланади.

Президентимиз Ислом Каримов ўзининг «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» китобида таъкидланганидек, «Жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш таъминланганда, у чинакам ҳуқуқий, фуқаролик жамияти бўлади. Ҳар бир инсон тўраларча ўзбошимчаликдан, қонунсизликдан ўз ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган идоралар мавжудлигига амин бўлмоғи керак».

Айрим амалиётчилар «судьяларнинг мустақиллигини таъминлаш уларнинг сайланиш ва тайинланиш муддатларига боғлиқ» деган фикрни билдириб, судьяларнинг ваколат муддатини ўн йилдан иборат қилиб белгилаш, ҳатто уларни чекланмаган муддатга тайинланишини жорий қилиш «мустақил иш юритувчи суд тизимини яратиш муаммосини ҳал қилишнинг энг мақсадга мувофиқ йўли» деб ҳисоблайдилар («Халқ сўзи» 16 ноябр 1999 йил).

Судьянинг мустақиллиги уни сайланиш ёки тайинланиш ваколат муддатига боғлиқмикан? Балким бу ҳам тўғридир!

Бироқ «Суд тизимини ислоҳ қилиш, - дейди Ислом Каримов, - аввало, ҳукм чиқарувчи судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлашга қаратилиши керак. Фақат шундай қилганда ҳозир судни жазоловчи орган деб биладиган одам судга ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини, манфаатларини ҳимоя қилиши лозим бўлган орган сифатида мурожаат қиладиган бўлади. Ана шундагина суд ҳокимиятнинг ҳақиқий мустақил учинчи тармоғига айланади».

Бунинг учун бизнинг фикримизча, ***биринчидан,*** судьяликка номзодларни демократик асосда танлаш, тавсия қилиш ва тайинлаш тартибини ишлаб чиқиш, уларнинг қонун олдидаги масъулиятини ошириш учун вақти-вақти билан халқ олдида ҳисобот бериб туришни жорий қилиш лозим;

Иккинчидан, судьяларнинг одил судловни амалга оширишда фақат қонунга бўйсуниб мустақил фаолият кўрсатишга ишончини мустаҳкамлаш учун уларни мансабдан четлаштириш ёки бутунлай озод қилиш асосларини аниқ, равшан ва пухта қилиб махсус қонунда белгилаб қўйиш зарур, токи бўлмағур «майда-чуйда» камчиликлар, «миш-миш» гаплар асос қилиб олинмасин;

Учинчидан, судья одил судловни амалга оширишда мустақил фаолият кўрсатиш учун у, албатта етарли ҳаёт тажрибасига эга бўлиши, қонунларни мукаммал билиши, уни аниқ ва бир хилда татбиқ этилишини таъминлай олиши зарур. Бунинг учун ихтисослаштирилган махсус судларни халқаро андозалар асосида ташкил қилишни амалга ошириш лозим.

Бунинг учун Президентимиз И.Каримов айтганидек, «энг аввало қонунчилик фаолиятимиздаги камчиликларни танқидий баҳолаб, бартараф этиш, қонунларимизнинг мукаммал ва изчил бўлишига эришмоғимиз ва энг муҳими, барча ҳуқуқий давлатлар қаторида қонун асосида яшашни ўрганишимиз зарур».

Суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг асосий мақсади ҳам шунга қаратилиши керак.

Рустам МУҲАМЕДОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист,
юридик фанлар номзоди, доцент

ТАҲРИРИЯТДАН:

Муҳтарам мухлисларимиз, амалиётчи ва назариётчи юристларсиз тажрибали ҳуқуқшунос, олим, амалиётчи Рустам Муҳамедовнинг шахсий фикр-мулоҳазалари билан танишдингиз. Чинданам бу баҳс юритадиган масала! Фуқаролик ва хўжалик ишлари юзасидан суднинг қонуний кучга кирган қарорлари устидан «протест» киритиш тартиби ва умуман бу процессда «протест» керакми, деган саволга сиз қандай муносабат билдирасиз? Судьяларнинг мустақиллигини таъминлаш борасида сизда қандай фикр-мулоҳазалар бор? Хуллас, мазкур мақола, муҳим масала хусусида сизнинг фикр-мулоҳазаларингизни кутамиз.

Огоҳлик -давр талаби

ХИЁНАТ КЕЧИРИЛМАЙДИ

Битта нодон дарёга отган гавҳарни мингта оқил тополмайди. Бир ҳовуч ғаламислар ўғирлаган ҳаловат узоқ вақтдан буён одамларни безовта қилиб келмоқда. Бундай ҳолга лоқайд ва бепарво қараш, огоҳлик ва ҳушёрликни ошармаслик мумкинми?! Буюк файласуф Арастунинг «Тез ғазабланиш ёмон, аммо ёмон ишларни кўрганда ғазабланмаслик ундан ҳам ёмон» деганини биламизми?

Динни ниқоб қилиб олиб, мустақил давлатимиздаги тинчлик-осойишталикка раҳна солмоқчи бўлган диний-экстремистик оқимларга қўшилган хиёнаткорларнинг асл қиёфаси, мақсади нима эди?!

Андижон шаҳрида яшовчи Расулжон Исақов, Неъмат Розиқов, Козим Болтабоев, Авазбек Асранов, Улуғбек Абдураҳмонов, Ҳакимжон Иномовлар ўзаро жиноий тил бириктириб, чет эл диний-экстремистлари раҳбарлигида аввал Фарғона водийсида, кейинроқ бутун Ўзбекистон ҳудудида, қолаверса, бутун дунёда «халифалик» ислом давлати тузиш ва ҳокимиятни ўз қўлларига олмоқчи бўлишган.

Улар «Ҳизбут-таҳрир» оқимининг норасмий босмахоналарида чоп этилган диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган, фуқароларнинг тотувлигини бузиш, вазиятни беқарорлаштирувчи уйдирмалар тарқатувчи «Ислом низоми», «Ал-Ваъи», «Демократик куфр низоми», «Ҳизбут-таҳрир тушунчалари», «Шараф ва иззат сари», «Халифалик» каби адабиёт ва бошқа варақаларни тарқатганлар.

Улар «Ҳизбут таҳрир» оқимига содиқлик ҳақида қасам ичишган, ўзаро халқа тузиб, дорис, мушриф, рақиб лавозимини эгаллашган. Ўзларича «маҳаллий жиҳод аъзолари»ни тўплашиб, сабоқлар уюштиришган, ўзлари яшаётган Ёрбоши қишлоғида бошқа халқалар тузиб, ҳаракатни кенгайтиришга уринишган.

Она Ватанга хиёнат қилган, унинг озодлиги ва мустақиллигини кўролмаган бу мунофиқлар қилмишларига яраша жазоларини олдилар. Улар Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 59-моддаси билан айбли деб топилиб, 13-14 йилдан озодликдан маҳрум этилдилар.

Мана шундай хиёнаткорлар оқибатида ўтган йилги 16 февраль воқеалари келиб чиқди. Минг афсуски, Президентимиз томонидан бундай ҳаракатга тасодифан қўшилиб қолганлар авф этилганига қарамасдан, бундай «чаён»ларнинг баъзилари яна жонланиб қолди, яна варақалар тарқатиш ҳоллари пайдо бўлди.

Ана шу муносабат билан вилоятимизда Республика Бош вазири ўринбосари Ҳамидулла Кароматов, Ички Ишлар вазири Зокиржон Алматов ва йирик диний уламолар иштирокида бўлиб ўтган фаоллар йиғилишида уларга қарши кураш чоралари кенг муҳокама қилинди.

Машваратда энди қуруқ гаплардан амалий ишга ўтиш даври келганлиги, юртимиз ва миллатимизга тажовуз қилмоқчи бўлганлар энди кечирилмаслиги баён этилди.

Тан олиш керак, йўлдан чалғиганларнинг асосий қисми ишсизлардир, деб таъкидланди йиғилишда. Эндиликда вилоятда ишсизлини камайтириш юзасидан алоҳида дастур асосида иш ташкил этилаяпти.

Бадандаги жароҳатни даволашнинг иложи бўлмаса, у жарроҳлик йўли билан олиб ташланади. Ватан хоинларига энди шафқат бўлмайди, ёвузликнинг пайи қирқилади, жаҳолатнинг илдизи қуритилади.

Адҳамжон РАҲМОНОВ,
Андижон вилоят судининг судьяси,
Илҳомжон ЭГАМНАЗАРОВ,
«Инсон ва қонун» мухбири



Тандирчилар.

Тасвирчи Абдухалил АБДУЖАМБУЛОВ

Ҳаёт чорраҳаларида

ТУРМУШИДАН ҲАЛОВАТ ТОПМАГАНЛАР



Ҳаётда, оилавий турмушда манманликка, ҳавои-нафсга берилиш кўп хунук оқибатларга олиб келиши тайин. Бунга теварак-атрофдан аниқ мисолларни келтиришимиз мумкин. Мана, улардан бири.

Ўтган йилнинг охирларида Жомбой тумани судининг очиқ мажлисида шу туманнинг У.Носир жамоа хўжалигида яшаб келган Сали Сулаймонов деган кишининг жиноят иши кўриб чиқилди. Бир қарашда бу шахс бировга тан жароҳати етказмаган, кимнингдир уйига ўғирликка тушмаган - «айбсиз айбдор». Аслида эса С.Сулаймонов фарзанди, 1976 йили туғилган Зиёданинг ўз жонига қасд қилишига сабабчидир. Тўғри, суд мажлисида ота бўлмиш бу кимса ўзига қўйилган айбларни инкор қилишга уринди, ҳар хил важ-корсонларни рўкач қилди. Бироқ тергов жараёнида йиғилган далиллар, гувоҳларнинг, касалхона ҳамшираси, маҳалла оқсоқоли ва бошқаларнинг далолатлари айбдорга сувдан қуруқ чиқиши учун ҳеч қандай имкон қолдирмади.

Рўй берган ҳодиса эса аянчли: 23 ёшдаги қиз ўз жонига қасд қилиб, бир ярим ой касалхонада азоб чекиб, ҳаётдан кўз юмди. Унинг ана шу кўйга тушиши ва бу қалтис ишга қўл уришига нима мажбур этган? Қизнинг ота-онаси бош нафар фарзандлари бўлишига қарамай, 1997 йили ўрталаридаги никоҳни суд орқали бекор қилишади. Бир бахтсизлик иккинчисини бошлаб келади, деб бежиз айтишмайди. Расман ажралганларидан кейин ҳам С.Сулаймонов хотини ва болалари билан бир ҳовлида яшайверади ва бу ҳолат собиқ эр-хотин ўртасидаги келишмовчиликни ўзаро адоватга айлантиради. С.Сулаймоновнинг хотини ва қизи Зиёдани доимий равишда ҳақоратлаб, «бузуқдан олиб бузуққа» солишлари, қизига: «Онанг ҳам бузуқ, сен ҳам бузуқсан, ўйнашларинг кўп сенларнинг, буни бошқалар ҳам билади, бу кунларингдан ўлганларинг яхши, ҳовлидан кетинглар», дея қилган таҳдидлари охир-оқибат бўйи етган қизнинг сабр косасини тўлдиради...

Хўш, С.Сулаймонов ўзи ким, бу покдамон шахс, беш фарзанднинг отаси бўлгунча, хотини, оиласини яхши билмаганми? Наҳотки, у ёши бир жойга борганда хиёнатни пайқаб қолгану бунинг қасдига аҳли аёлига зуғум ўтказишни, тинимсиз ҳақорату тазйиқни қасос олиш воситаси қилиб олган бўлса?! Маълумотлар шундан далолат берадики, С.Сулаймонов ўрта маълумотли, соғлом, илгари судланмаган, оиласидан ажрашган, ҳеч қаерда ишламайди... Мана шу фактлар ва гувоҳларнинг берган гувоҳликлари бу шахснинг тайин касб-кори, машғулоти бўлмаганидан, ўзаро жанжал, можарони ўзига ҳунар қилиб олганидан далолат бермайдими?! Борингки, С.Сулаймонов ҳалол экан, ота ва эр бўла туриб шунча йил бирга яшаб, оиласида барқарор, тўғри турмуш тарзини изга солишнинг нега иложини қила олмади экан? Хўп, бунингки уддасидан чиқолмабди, хотини билан ажрашибди, энди нега фарзандлари, айниқса, қизи Зиёдани ҳаётдан безишгача олиб келди?

Ҳа, манманлик ва жаҳолатга берилиш бориб турган ижтимоий разолатки, буни С.Сулаймоновнинг разил қилмиши исботлаб турибди. Айни шу иллатлар одамлар орасидаги ўзаро иттифоқни, муҳаббатни кўтаради, ахлоқ, одоб пардасини йиртади. Зеро, муқаддас Қуръоннинг «Исро» сурасида шундай дейилган: «Ер юзида гердайиб юрма. Албатта, сен ерни тешиб юбора олмайсан ёки ўсиб, тоғлар билан тенг ҳам бўла олмайсан».

Жоҳиллик, беписандлик ўз ортидан ярамас одатларни эргаштириб келиши тайин. Бу ярамас одатлар ичида ароқхўрлик ва қиморбозлик фақат ана шу фасодларга берилган кишининг ўзинигина эмас, балки унинг теварагидаги инсонларга ҳам кўп жабру жафо келтиради. Жомбой туман судида кўрилган яна бир жиноий иш бунга далил бўла олади. Судланувчи Рустам Тоғаев ёш бўлишига қарамасдан тайинли бир иш билан шуғулланмай келган. Оиласи - бир нафар фарзанди ва хотини Гулмирани боқишга қурби етмай, мудом ҳар жойда сандироқлаб, оила-рўзғор ташвишларини ўз ҳолига ташлаб қўйган. Табиийки, моддий жиҳатдан унга қарам бўлган турмуш ўртоғи Гулмира: «Сиз ҳам одамларга ўхшаб, уйга-рўзғорга керакли нарсаларни олиб келсангиз бўлмайдими, кеча-кундуз санқиб юришингиздан нима фойда», деб эрини тергашга мажбур бўлган. Бу тўғри талаблар Рустамнинг эркаклик ғурурига оғир ботган ва у хотинини камситиб, ҳақоратлаб, муттасил уриб, жароҳатлаб келган. Турмуши бузилишидан чўчиган Гулмира бу азоб-уқубатларга бардош бериб, эрининг инсофга келишига умид қилиб чидаган. Бу орада унинг онаси, опаси, маҳалла-кўй Рустамга насиҳат қилиб, уларни бир неча бор яраштириб, муросага чақирган. Бироқ букирни гўр тўғирлайди деганларидек, Р.Тоғаев ўз билганидан қолмай, оилани ўз ҳолига ташлаб қўйиб, кайфини чоғ қилиб юраверган. Ҳам моддий томондан танг аҳволга тушиб қолган, ҳам жисмоний азоб ва хўрликлардан ҳолдан тойган Гулмира охир-оқибат ўз жонига қасд қилиб, бир йўла қутулмоқчи бўлган... Суд мажлисида Р.Тоғаев ҳам ўзига қўйилган айбларни тонишга уринди. Бироқ гувоҳлар ва суд тиббиёт экспертизасининг хулосалари унинг ҳам важлари асоссизлигини очиб ташлади. Шу тариқа яна бир оила хоҳиллик ва зўравонлик оқибатида барбод бўлди.

Суд ҳукмига кўра Сали Сулаймонов беш йилга, Рустам Тоғаев эса олти йилга озодликдан маҳрум этилди. Биз ҳам шу ўринда мақоламизга нуқта қўйсак бўларди. Бироқ туҳмат ва бўҳтон қурбони бўлган Зиёда ҳамда хўрлик азобларига дош беролмаган Гулмиранинг ўз мушкулларини осон қилиш учун «топишган, танлашган йўл»лари ҳақида адолат ва эътиқод юзасидан ўз мулоҳазамизни билдириб ўтишимиз лозим.

Албатта, бировга ноҳақдан жабр-зулм ўтказиш бориб турган жоҳилликки, бунинг учун жазо тайинланиши муқаррар. Бироқ жабрланувчининг энг сўнгги чора сифатида ўз жонига қасд қилиш - бу вазиятдан чиқиш ҳам, уқубатдан халос бўлиш ҳам эмас, балки ожизлик, руҳий заифлик аломатидир. Чунки ҳам ҳуқуқий, ҳам инсоний нуқтаи назардан худкушликка қўл уриш бирор-бир замонда оқланган эмас. Қолаверса, қадриятларимиз, динимиз, эътиқодимиз бу машъум ҳаракатни тамоман қоралайди. Зеро, ҳадисларда шундай дейилади: «Кимки ўзни темир бирлан ўлдирғайдир, ўшал темир бирлан унга жаҳаннамда азоб берилғайдир», «Бир киши ўзини-ўзи жароҳатлаб ўлдирди. Шунда Оллоҳ таоло: «Бандам мендан илгари ўз жонини ўзи олди, уни мен жаннатдан маҳрум қилдим!» - деди», «Ўзини-ўзи бўғиб ўлдирган одамни дўзахда бўғишгайдир ва ўзига-ўзи пичоқ уриб ўлдирган одамни дўзахда пичоқлашгайдир».

Биз юқорида келтирган ҳар икки хунук воқеа замирида жиноятчи, айбдор шахсларнинг маънавий пуч, маърифий саёз қиёфалари яққол кўриниб тургани сир эмас. Маърифатсиз, турмушдан файз ва ҳаловат топиш ўрнига,аҳли аёлига, фарзандларига зуғум ва зўравонликни авж олдирган бу кимсалар умрларининг охиригача ўз қилмишлари азобини тортишларига ажабланмасак ҳам бўлади.

Зафар ОТАҚУЛОВ,
Жомбой туман суди раиси

ҚЎШБОСҚИН

ёхуд Қарши ва Шаҳрисабз истилоси

Янги тарихимиз саҳифалари

Поён РАВШАНОВ

13-куни тонгда ишлар ниҳоясига етказилди. Батареяларга артиллерия етиб келган заҳотиёқ, унинг бир қисми душман тўпхоналаридаги замбаракларга, яна бир қисми эса истеҳком деворининг ўтиш мўлжалланган жойларига қараб ўт очди. Душман бу томондан узилган ўқларга тўп ва замбараклардан шиддатли ўт очиш билан жавоб қайтарарди, бу айниқса, Соковнин батареяси тарафда кучли бўлди. Эрталаб соат 10.00 да батареяларга ўт очишни кучайтириш ҳақида буйруқ бердим ва измаиз, ёнимдаги кишиларни 6 ракета қурилмаси билан Соковнин батареясига жўнатдим. Бу ерда аҳволни қуйидаги ҳолда кўрдим:

Бу батареяга қарши душманнинг уч батареяси ҳаракат қилган эди: бири тўғри қарши томондан 5 тўп билан, бошқаси батареянинг ўнг тарафидан 4 замбарак билан, учинчиси чапдан 2 тўп билан зарба берган эди.

Душманнинг бутун ўқ отиш чизиғи батареянинг ўнг ва сўл тарафига қадар ўқчилар томонидан ишғол этилганди. Шу сабабли, артиллерия ҳамда милтиқ ўти ниҳоятда кучли эди. Душман артиллериясининг ҳаракатини сал-пал бўлсада, сўндириш мақсадида мен шу лаҳзада ўқчиларни батареядан чап тарафдаги боғнинг чети ва батареядан бироз наридаги майда ўнгирлар бўйлаб тарқалишига буйруқ бердим.

Афтидан, Шаҳрисабз бекларининг мудофаа вазифалари соат сайин кучайиб бораётганлиги сабабли ҳужумда ҳар қандай сусткашлик фақат ишни қийинлаштирар ва мураккаблаштирарди, шу важдан, шаҳар деворига Соковнин батареяси ўтишини кутиб ўтирмасдан, ҳаялламай ҳужум уюштиришга қарор қилдим.

Ясовул Принцга зудлик билан барча казаклар билан Раватоқ дарвозасига ёпирилиб, уни дарҳол синдиришни ва эгаллаб олиш буйруғини жўнатдим. Ясовул Принц ҳеч нарсага, ҳатто тўплар ўқи билан қарши олинганига қарамай, ушбу буйруқни тез ва соз бажарди. Ўн дақиқадан сўнг мен дарвоза ағдарилгани ва эгаллаб олингани хабарини олдим.

Соат 8.00 ларда (13 августдан 14 август тонги) ҳаммаси тугади, бу пайтда мен қалъага шахсан етиб келган эдим. Китоб қалъаси ҳеч қандай ҳарбий аҳамиятга эга эмас. Бу бекнинг анча маҳоватли, покиза ва айтарли даражада бой бўлган турар жойи, холос. Китобнинг олиниши Шарнинг (Шаҳрисабз) ўз-ўзидан қўлимизга ўтиши бўлган эди. Шу куни қўшин чарчаб қолгани учун Шарга ўтолмадим ва бу ишни эртанги кунга қолдирдим.

Асирга олинганларнинг кўрсатмалари бўйича қуролланган мудофаачилар 8 мингга яқин бўлган. Ҳозирги Шаҳрисабз беклари менга айтишдики, Жўрабой ва Бобобий 13 мингга қадар қуролланган кишиларни қўйиш мумкин эди, зеро, олдинлари улар Бухоро амирларига қарши шунча қўшин жам қилар эканлар. Бизнинг келишимиз улар учун кутилмаган бўлиб, зарур тайёргарлик кўришга улгуролмай қолганди-лар.

Душман ниҳоят-да катта талофат кўрди. Асирлар ҳужум бошланган кун 600 га яқин киши ўлдирил-ган эди, деб ҳисоблайдилар. Бизнинг йўқо-тишларимиз ҳам сезиларли дара-жада, яъни 1 обер-офицер (пра-поршик Козловс-кий), қуйи поғонадан 18 та ўлдирилди. 1 ге-нерал (отряд бошлиғи, яъни Абрамовнинг ўзи) енгил, 4 штаб зобитлари (Михайловский-енгил, Соковнин-оғир, подполковник Раевский-енгил, майор барон Меллер-Закомельский енгил) обер-офицерлардан 2 та прапоршик Мамин ва Корнет Морозов енгил яраланди. Қуйи поғонадан 59 та оғир, 42 та енгил ярадор бўлди. 29 та тўп ва замбарак, қилич, милтиқ, артиллериянинг кўп ўқ-дорися кўлга туширилди. Эртаси куни (16 август) менинг ижозатимга кўра, Чироқчидан Тўхтамишбой 1500 суворийси билан шаҳарларнинг Шаҳрисабз-китоб горнизонларини дастлабки кунларида эгаллаш учун келди.

Китобни забт этгач, эртаси куни (15 август) мен Шарга бордим. Аҳоли шаҳардан 3 чақиримча берида мени нонтуз билан қарши олди. Уларга Жаноби олийларининг Шаҳрисабз мулкларини унинг қонуний эгаси Бухоро амирига бериш ҳақидаги азми қарорини эълон қилдим ва барчасини ўз жойларига қайтишни, амир томонидан тайинланадиган янги беклар келишини кутишларини топширдим.

Шаҳарларни тайин этилган бекларга топшириб ва бу ҳақда амирга хабар бериб, Самарқандга қайтиш тараддудида турганимда, янги беклардан гўё Жўрабий ва Бобобий Моғиёнда 3 минг чоғли қўшин тўплаб, руслар кетиши биланоқ, Шаҳрисабзга ҳужум қилмоқчилиги хабарини олдим...»

Шаҳрисабз ва Китобнинг истило этилишида амир Музаффарнинг тажовузона ҳаракатлари ҳам аҳамият касб этган. Манғитий амирларнинг кенагас бийларига нисбатан адовати азалий бўлиб, амир Музаффарнинг отаси амир Насрулло 1856 йилда Шаҳрисабзни куч билан тобеъ этган эди. У нечанчи бор қайта бўйсундирилган Шаҳрисабз ва Китобга ўз одамларидан ҳокимлар тайин қилган, бу ерда ҳукм суриб келган Валламийлар сулоласини патрат этган, Дониёр оталиқнинг (1840 йилда вафот этган) қизи, Даҳяк ҳокими Ёқуббекнинг хотинини (кейинчалик Кенгас ойим номи билан машҳур бўлган) икки боласи бидан тортиб олиб, никоҳига зўр билан киритган эди. Ўша вақтда Шаҳрисабзда ҳоким бўлиб турган Дониёр оталиқнинг ўғли, Кенагас ойим акаси Искандарбекни Қоракўл туманига ҳоким номи остида бадарға этган эди.

Амир Музаффар отаси амир Насруллонинг Шаҳрисабз маликаси Кенагас ойим томонидан қулоғига симоб қуйиб ўлдирилганлигини (1860 й) унутмаган эди, албатта. Тошканд руслар томонидан эгаллангач, Искандарбек у ёққа жўнатилади ва зиммасидаги вазифасини «уддалай олмаган» киши сифатида у амир Музаффар томонидан ўлдириб юборилади.

Д.Н.Логофетнинг «Генерал Абрамовнинг рус қўшинлари отряди Шаҳрисабз ўлкасига кирганда Бухоро қўшини шаҳарга ғарб томонидан яқинлашиб келди. Уч томонлама қамал қилинган (Михайловский, Соковнин, Бухоро лашкари) Шаҳрисабз, Китоб ва Яккабоғ олингандан сўнг Шаҳрисабз беклари Қўқонга қочди», деган сўзлари замирида асрлар бўйи давом этиб келаётган шахсий адоват, ички низоларнинг Ватан, эл-улус манфаатидан устун келишидек қабоҳат пинҳон ётади.

Шу тариқа икки ёқлама, қўшбосқин гирдобида қолган қадимий шаҳарлар - Қарши, Шаҳрисабз ва Китоб, бундай айтганда, Қашқа воҳаси руслар томонидан истило этилади. Амир Музаффар бу ўлканинг босиб олинишида восита ҳамда фаол қатнашчи бўлади. Д.Н.Логофет бу ҳақда «Рус қуролининг кучи ва кўлоб бўлиб тўкилган (Шаҳрисабз жангида руслардан 19 та ўлади, 110 та ярадор бўлади - муал.) рус қони эвазига олинган Шаҳрисабз ва Китобдек ўлкани беклик Бухоро амирига берилди. Шундай қилиб, тарих билан ҳисоблашилмади ёхуд Шаҳрисабз ва Ҳисор ўлкаларининг кўпдан бери Бухоро ҳокимиятини тан олмай, мустақил бекликлар иттифоқини ташкил этиб, ўзига хос ҳаёт кечираётганлиги ҳам эътиборга олинмади», дейди надомат билан.

Н.Д.Логофетнинг аламини тушунса бўлади. У рус қуроли кучи ҳисобига забт этилган бекликлар Россия таркибига киритилмаганидан тааҳҳуф қилиб, ачинади. Бироқ ўн минглаб қурбон бўлган шаҳрисабзликлар қони унинг хаёлига ҳам келмайди. Қонлар дарё бўлиб тўкилиши ҳақида гап боргудек бўлса, ўлган битта аскарни ҳам ҳисобга олиб борган руслар маҳаллий аҳолини қирғин қилар экан, тўпларидан улар тутдай тўкилгани, ўликлардан майдонлар, дашту далалар, ҳатто боғлар тўлиб кетганлигини айтишни унутадилар.

(Боши ўтган сонларда. Давоми бор)

Ўлкамизда кўклам нафаси!

Оқибат

ОРИЯТ

ёш йигитни ўз жонига қасд қилишга мажбур этди

Фарғона вилоятининг чекка қишлоқларидан бирида хунук хабар тарқалди: яқинда уйланган кувёвбола ўз жонига қасд қилганмиш. Миш-мишлар ҳам баъзан тўғри чиқиб қолади. Ахир, элда гап бор: «Шамол бўлмаса, дарахтнинг учи қимирламайди», деган...

...Тақдир экан, опасингил қуда бўлишди. Маъмура келинлик либосида яна ҳам очилиб кетди. Қўни-қўшнилар чиқишиб, Турди холани қутлашди, кўз тегмасин, келин эмас фаришта, дейишди. Чол-кампир хурсанд. Маъмура ҳам қайнона-қайнотасининг ҳурматини жойига қўйиб, кўнглини топди.

Аҳмаджон билан Маъмуранинг тўйлари бўлиб ўтганига 5-6 ой ўтган бўлса-да, улар бир-бирининг дийдорига тўйишмасди. Шундай кунларнинг бирида Маъмура эри Аҳмаджонга эртага қишлоғимиздаги дугонам Сабоҳат турмушга чиқаяпти, тўйга айтиб кетди, борсам майлими, деб қолди.

Аҳмаджон хотинини жонидан ортиқ кўрарди. Сўраса, осмондаги ойни олиб беришга ҳам тайёр куёв розилик берди.

Эртасига Маъмура тўйга кетаётиб, тўйдан кейин онасиникига бориб туришини, ўша ердан эри Аҳмаджон уни олиб келишини қайнонасига айтди. (Эр-хотин кечқурун шунга келишишган эди). Аҳмаджон ваъдага бинoан майда-чуйда қилиб, қош қорайганда велосипедда қайнотасиникига йўл олди. Куёв деган номи бор, унинг ҳурматини жойига қўйишиб, суюқ-қуюқ овқатлар тайёрлашди. Вақт алламаҳал бўлиб қолсаям, хотинидан дарак бўлмади. Аҳмаджон қайнотасидан рухсат олиб, тўйхонага йўл олди.

Маъмура дугонасининг тўйида яйраб ўйнади, анчадан буён кўрмаган ўртоқларини кўрди. Янги келин эмасми, дид билан кийиниб, ўзига оро берган, ўртага чиқиб ўйнаганда кўпчилик бўйдоқ йигитларнинг ақлини ўғирлади. Даврадаги ўйинга уни чорлаган йигитлар кўпайди. Ҳатто куёв томонга велосипедда бирга боришга ҳам келишиб олишди.

Тўй тугагандан сўнг Маъмуранинг бир дугонаси билан йигитлар қуршовида велосипедда қўшни қишлоқ, куёв томонга йўл олишди. Маъмурани йигитлар сардори Карим велосипедига миндириб олган, жувоннинг оппоқ хинали қўли Каримнинг белидан қучиб олган эди... Бунинг устига Маъмурадан уфуриб турган ҳушбўй атир ҳиди Каримни бутунлай ақлдан оздирди ва унинг бузуқ ниятини амалга оширишни тезлатди. Велосипед йўл чеккасидаги тутқаторлар олдида тўхтади. Маъмуранинг нима бўлди, деган саволига шериклари-миз етиб келишсин, бирга кетамиз, деган жавобни олди. Бу орада ваъдалашилган жойга 5-6 та велосипедда йигитлар етиб келишди. Тун, атроф дала, куёвнинг қишлоғига яна 2-3 чақирим йўл босиш керак. Хуллас, танланган жой қулай ва хилват эди. «Ишга» биринчи бўлиб Карим киришди: у Маъмурани, қаршилигига қарамай, тутзорга олиб ўтиб кетди...

Бу орада вақт тунги 12 дан ўтиб қолган, Аҳмаджон тўйхонага икки марта бориб келган эди. Хотини ҳеч қаерда йўқ, кўрганлар велосипедга мингашиб, куёв томондаги тўйга кетганини айтишди.

Охирги сафар велосипедда тутзор ёқалаб бораётган Аҳмаджон бир тўда лаб-лунжини ялашиб, йўл чеккасига чиқиб турган эркаклар орасида уст-бошлари йиртилган, аянчли аҳволдаги икки ёш жувонни кўриб қолди, улар ўзларини ўраб турганларга ялинишарди...

Аҳмаджон, қайси кўз билан кўрсинки, аёллардан бири ўзининг суюкли хотини эканлигини таниб қолди. Орияти қўзиб, рўпара келган номардлар билан муштлашиб кетди. Кўпчилик барибир кучлилик қилди, Аҳмаджон ҳолдан тойди. Карим унга: «Иззатинг борида хотинингни ол кет, бўлмаса яна тутзорга олиб кирамиз, бизда айб йўқ, ўзлари таклиф этишди», деди. Бу айтилган беҳаё сўзлар Аҳмаджоннинг бадан-баданидан ўтиб кетди.

«Қандай шармандалик, энди қишлоқда қандай бош кўтариб юраман. Бир эмас, 5-6 та йигит қуршовидан чиққан хотин!» Шу хаёллар билан Аҳмаджон хотинини велосипедга миндириб, уйига олиб келди. Унинг бутун орзу-ҳаваси барбод бўлган эди. Ота-онаси нима бўлганини эрталаб билишди. Иккита одам тўпланса, тўйдаги воқеадан сўзлашади. Маъмура онасиникига кетиб қолди, Аҳмаджон эса кўчага чиқолмай қолди.

Ёш куёв бу иснодни кўтариб юришни ўзига ор деб билди, унинг орияти ҳаётнинг ширинлигидан устун келди - у ўз жонига қасд қилди. Шу йўл билан виждон азобидан қутулмоқчи бўлди, қутулди ҳам...

Бироқ бир нарсани айтиб ўтмоқчимиз, виждон азобидан 25 ёшга тўлмаган бир йигит ўлиб кетди. Унинг хотинини зўрлашиб, ҳайвоний ҳирсини қондирганлар-чи? Улар жазо олдими ёки Маъмура бу ифлос ишга ўзи рози бўлганмиди?

Бу ишнинг тагига етиш — жиноятчиларга тегишли жазо бериш қонун посбонларига ҳавола.

Эрдавлат ОДИЛОВ,
«Инсон ва қонун»
мухбири

БОШ ҚОТИР!

ЭНИГА: 1. Дуккакли дон, мушукнинг лақаби. 2. Ишламайдиган калла, осилтирилган қошости, нос идиши. 3. Бурни юзига ёпишгунча мутлашишга ахд қилган, қўли «совуқ қотиб» қўлкоп кийган андижонлик йигит исми. 4. Ҳақ берилмаганда зарда билан ўхшатиладиган қуруқ мева. 5. Ҳам қомат, ҳам ҳид. 6. Сопол идиш, шишган бош. 7. «Дада»синнг изини босувчи уй ҳайвони. 8. Ўзбек кулги устаси, Арнольд Шварцнеггер ҳавас қилиб, етолмаган қомат соҳиби. 9. Дўзахнинг русчаси. 10. Қайнатилса зап «холодес» бўлади-да, аммо ўта керакли аъзо. 11. Гапни.... қил, ука! 12. Инсоннинг азалий дўсти бўлган ҳайвон. 13. Иван Грозний (кино) овқатланмоқчи бўлганда айтилган сўз, ейиш-ичиш. 14. Тилига куч берувчи, валақловчи. 15. У ёки.. 16. Пижаманинг шарқона бош «бобо»си. 17.Ш.Жўраев бўзлаётган туялар сафи. 18. Мўғул боскинчиларига қарши курашган шаҳар ҳокими, Ўзбек киноси бугунги сардорининг исми. 19. Адвокатнинг ва бўёқчининг вазифаси. 20. Пахтанинг «дард»ларидан бири. 21. Ғўлабирдай келган, бўйи калта одам. 22. Қардош халқнинг соқоли сийрак «афанди»си. 23. Шарқона қўл жангги устаси бўлган американ калик машхур актёр (марҳум). 24. Аёллар излаб борганда эллик оғиз гапириши лозим бўлган рўзғор буюми. 25. Хафа бўлиш, аламли юз ўгириб юриш. 26.Эшакнинг «қўшиғи». 27.Ҳайвон ва кемирувчиларнинг уйи. 28. Дурадгорлик асбоби. 29.Мусулмонларнинг саждагоҳи. 30. Қатиқнинг ранги. 31.Афти қийшиқ, хунук одамлар ўпкалайдиган буюм. 32. Тақир бош ака ёки масхаралаш. 33. Ўлчаб оёқ узатиш лозим бўлган рўзғор нарсаси, ёпиндиқ. 34.Бир ойда икки марта ходимларни хурсанд қилувчи ходим. 35. Совуқ фасл. 36. Қардошлик алоқаси. 37. Дардини тортиб кўрган шифокор. 38. Қўл совуқ қотганда иситиш усулларининг бири. 39.Отнинг янги туғилган боласи. 40. Жиннинг хотини. 41. «Шаровар» номи билан Европага кириб борган шарқликлар киймаси. 42. Арвоҳларни хурсанд қилиш учун овқат пишириш. 43. Қийшиқ оёқ, судралиб босиладиган товон. 44. Ўликнинг бисоти. 45. Андижонда ёрини куйдириб, сув билан «ўчириладиган» жой номи. 46. Кўзини юмиб кўриладиган «фильм». 47. Иван Грозний Москвага келган куни мулки ўғирланган одам (кино). 48. Бўғма, касаллик. 49. Итнинг тунги «қўшиғи». 50. Қизиғиш тоғ ўлкаси, Туркийларнинг тарихий ватани. 51. Дам олишга, сафарга, хизматга йўлловчи ҳужжат. 52. Чекканда баҳам кўриш қийин бўлган, тил ости «дори»си.

БЎЙИГА: 1. Қозоқнинг мулласи. 2. Қимирлаган... ошар. 3. Ўзбекистоннинг XX асрдаги энг катта ютуғи. 7.Шохлик ва хўрозлик белгиси. 9. Чориёрлардан ёхуд саҳобалардан бири. 11. Ипак хом ашёси манбаи. 15. Болакайлар номини айтганда қизарадиган «гижингтой»лар ансамбли. 22. Вақт бирлиги. 26. Эшакнинг эркаги. 33. Пешонаси елкасигача етган одам. 34. Сочи тўкилган ит ёки сирли жумбоқлар ечими. 44. Қашқадарёдаги туман. 45. ДАН ходимининг баъзи шофёрларга қўядиган талаби. 47. Кийим-кечак, рўзғор буюмлари, китобларнинг «уй»часи. 52. Афсонавий, юртимизда эъзоз топган қуш. 53. Римлик, хоразмлик буюк шахсларнинг исми. 54. Тарихий, жасорати тилларда достон бўлган чўпон. 55. Эчкининг эри. 56. Тўртинчи ўғил. 57. Насиба. 58. Қиз кўрки, эркакнинг қарибй ярмига вафосиз «ўсимлик». 59. Шашликка масаллиқ, қон босими борга касаллик орттирадиган ҳайвон. 60. Айрилганни ... ейди. 61. Жалолқудуқ туманидаги қишлоқ, дадамнинг ҳамроҳи. 62. Сел, қирғоқларни сув босиши. 63. Форсларнинг тунги бош буюм номидан европаликлар дабдаба билан киядиганига айланган нарса. 64. Вазифаларни бажаришга қодир ходим. 65. Димоғдорнинг кўтарадиган, муштумзўрнинг мўлжал оладиган жойи. 66. Иссиқ билан салқиннинг ўртаси. 67. Илиқнинг акаси. 68. Эркатой қиз, икки тарафдан бир хил ўқиладиган исм. 69. Ўзидан катталарнинг хотини. 70. Қўй-қўзилар қўшиғи. 71. Сочсиз хат, товуқлар кушандаси бўлган йиртқич қуш. 72. Туянинг арзандаси. 73. Бойсунда қаттиқ жисмлардан ясалган паҳлавоннинг исми, жаҳон чемпиони. 74. Шамоллашдан дарак. 75. Елкага ўтириб олиб, яхши-ёмонга «омин» деяверувчи образ. 76. Муслимий-диний маросимлардан бири. 77. Улкан, буюк катта (арабча). 78. «...бўйида ой кўрдим» (Н.Ҳамроқулов қўшиғи). 79. Аниқ объектга ишора. 80. Уч мушкетёрдан бири (А.Дюма). 81. Жиноятчилар «оромгоҳи», ўтираверишга ундов. 82. Одам елкасидан пастки икки аъзосининг қўшма номи, томорқа асбоби. 83. Муслимларнинг хосиятли куни. 84. Бел билан оёқнинг ўрта қисмининг шевада айтилиши. 85. Иссиққа бош «урадиган» касб эгаси. 86. Баъзан салла ўрнида келтириладиган аъзо. 87. Паҳлавон, баҳодир. 88. Ширин, салқин ичимлик. 89. Чизма ифодаланадиган кўриниш. 90. Ўт-ўланнинг қуруғи. 91. Отнинг форсча атамаси. 92. Ҳаёт давоми. 93. Суяксиз бўлса-да, баъзан шараф, гоҳида ғурбат келтирувчи аъзо. 94. Оёқлар ва туёқлар, ғилдираклар «асорати». 95. Пуфлаб шишириладиган резина. 96. Анқов, содда. 97. Дунёқараш, билим, тафаккур.

Тузувчи: Камолахон

Газетамизнинг 22 феврал сонида берилган кросснинг жавоби:

ЭНИГА: 1. Шартнома. 4. Абориген. 9. Ҳадя. 10. Аҳмедов. 11 Униш. 14. Мударрислик. 17. Отажонов. 18. Китобхон. 19. Таноҳо. 20. Адҳам. 25. Мунажжим. 26. Қаҳрамон. 28. Меҳрибонлик. 31. Мола. 32. Андижон. 33. Тико. 34. Наманган. 35. Адашбоев.

БЎЙИГА: 1. Шаҳрихон. 2. Рада. 3. Маҳкамов. 4. Бродский. 6. Гана. 7. Нашаванд. 8. Чеҳра. 12. Муродхўжаев. 13. Ҳисобдорлик. 15. Тасанно. 16. Ўхшатма. 21. Омбудсман. 22. Тирранча. 23. Чайнворд. 24. Анорбоев. 27. Абжир. 29. Олам. 30 Бино.



Билиб қўйган яхши

ТАБАССУМИНГИЗ БОШЛИҚҚА ЁҚАДИ!

Раҳбар ёнида қўрқув ва ҳаяжонни ҳамма - ишбилармон ходим ҳам, ношуд ходим ҳам бошидан кечиради. Лекин озгина ҳаракат қилсангиз, сиз бу туйғуларни бартараф қилишингиз мумкин.

Томоша олдидан машқ

Ҳаёт ўзи нима? У ҳар хил ўйинлардан иборат саҳна. «Мен иккиюзламачилик қилолмайман», - деб асло ўзингизни ишонтирманг. Ваҳоланки, уни сиз ҳар куни, ҳар сонияда ўзингиз билмаган ҳолда мамнуният билан бажарасиз. Чунки сиз уйда бошқа, ишда бошқа, дўстларингиз даврасида бошқа одамсиз. Бошлиқ билан ҳам шундай бир «ўйин» ўйнашингиз мумкин.

Машқни аввал уйдан бошлаймиз. Эрта билан уйқудан уйғонишингиз биланоқ бошлиқни ўйланг. Сиз ўзингизни раҳбар учун сув билан ҳаводек зарур бўлган ноёб ходим эканингиз, унинг кўнглида сизга нисбатан ҳеч қандай ғаразлик йўқлигига ишонтиринг. Бунинг учун ишончли далиллар топиб диктофонга ёзиб олинг ва қайта-қайта эшитиб, миянгизга сингдиринг ва шу кайфиятда раҳбар ҳузурига йўл олинг.

Раҳбар хонасидан эсон-омон чиқиш учун йўл-йўриқлар

Бир неча оддийгина қоидаларга амал қилсангиз, бошлиқнинг ҳужумини осонгина бартараф қилишингиз мумкин. Раҳбарнинг ҳузурига икки букилиб, қўрқа-писа, ерга қараган ҳолда кирманг. Кўтаринки руҳда, шахдам қадамлар билан киринг-да, унга қараб жилмайинг. Ёқимли суҳбат учун аввалдан бошлиқ кўнглига хуш ёқадиган мавзу тайёрланг. Суҳбат учун унинг қаршисига қулайгина жойлашиб ўтириб олинг. Ўта ҳаяжонланган пайтингизда бошлиқнинг бирон бир буюмини ўйнамаслик учун ўзингиз билан қалам ёки скрепка олиб олганингиз маъқул.

Орангиздан «қора мушук» ўтганда

Бундай ҳол ҳар қандай ходимнинг бошига тушиши мумкин. Бошлиқ сиз билан овозини юқори кўйиб, жаҳл билан гаплашади. У бироз ҳовуридан тушгунича жим туринг. Асло ўзингизни оқлашга ҳаракат қилманг. Ақлни ишга солиб, вазиятни юмшатишга ҳаракат қилинг.

Муносабатни юмшатишнинг асосий қоидаси - оддий саволлар. «Сиз нима деб ўйлайсиз?», «Сиз қандай йўл тутган бўлардингиз?». Саволларингизга раҳбар жон деб ўз билимдонлигини намойиш қилган ҳолда жавоб қайтаради. Албатта, сиз бунга жавобан унга тўғри йўл-йўриқ кўрсатганлиги учун миннатдорчилик билдиринг ва унга таҳсинлар ўқинг.

Сизнинг кучингиз - раҳбарнинг нозик томонини топишда

Раҳбарнинг кўнглига йўл топишнинг яна бир воситаси - бу унинг котибаси. Котиба кўнглини олсангиз, у сизга яхши маслаҳатлар бериши, «Тўра Тўраевич»нинг аслида кимлиги ва унинг нозик томонларидан сизни бохабар қилиши мумкин.

Шундай муҳим маълумотлардан сўнг қўрқув ва ҳаяжонни бир чеккага йиғиштириб, дадил қадамлар билан бошлиқнинг хонасига кираверинг ва албатта майингина табассум қилишни унутманг. У бошлиққа ёқади.

Арофат ОРТИҚОВА
тайёрлади

Рассом хандаси

Узр, сал чалғибман...

Телевизорингизга янги кинескоп керак экан...

МУАССИС
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир Файзулла ҚИЛИЧЕВ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ
Ғайбулло РАҲИМОВ
Парахат АЙТНИЁЗОВ
Бурхон БЕКМИРЗАЕВ
Шавкатжон МАВЛОНОВ
Несъмат АМИНОВ
Абдил ТЎХТАШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Сирожиддин РАУПОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Узоқ БОЗОРОВ
Элмурод МУТАЛХЎЖАЕВ
Тўхтамурод ҲАСАНБОЕВ
(масъул котиб)
Миршоҳид МИРҲАМИДОВ
Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН»газетаси таҳририятида саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усули билан «ШАРҚ» нашриёт матбаа концерни босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-130 Тиражи-10.000. **Босишга топшириш вақти 21.00 Босишга топширилди 20.00**

Навбатчи:
О.ХУДОЙБЕРДИЕВ
Компьютерда оригинал макет тайёрловчи:
У. ДЎСМАТОВ
Компьютерда матн терувчи:
М. ДЎСТОВА

700047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси 5.
Тел,факс: (371) 133-24-41
«Инсон ва қонун» газетаси 1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 0014 1- сон билан рўйхатдан ўтган.